Гос. библиотека УзССР

Бутун дунё пролетарлари, бирлашинглиз!

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ҚИШЛОК ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

27 ИЮЛЬ, 1982 ЙИЛ, СЕШАНБА № 171 (2.577). Баҳоси 3 тийин.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИНИНГ ШАХДАМ ОДИМЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ 1982 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРМИДА БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

I.
САНОАТ

Маҳсулотнинг умумий ҳажми юзасидан ярим йиллик план бажарилди. Ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3 процент ўсди.

Электр энергетика, газ саноати, химия ва нефть химияси саноати, машинасозлик ва металл ишлаш, ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноати, бинокорлик материаллари саноати, озиқ-овқат саноати ва саноатнинг бошқа тармоқлари илдам суръатлар билан ривожланмоқда.

Меҳнат унумдорлиги ўсди.

Министрликларда маҳсулотнинг умумий ҳажми юзасидан планнинг бажарилиши, ишлаб чиқаришнинг ва меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди:

	Маҳсулот ҳажми юзасидан 1 ярим йиллик планнинг бажарилиш процента	1982 йилнинг 1 ярмида 1981 йилнинг 1 ярмига нисбатан процент ҳисобида: ишлаб чиқариш ҳажми	меҳнат унумдорлиги
Умуминтиҳоқ министрликлари			
Нефть саноати	102	100,3	100,3
Газ саноати	100,6	111	112
Кўмир саноати	104	100,7	97
Химия саноати	102	108	106
Минерал ўғит ишлаб чиқариш	101	119	114
Электр-техника саноати	103	107	106
Химия ва нефть машинасозлиги	102	106	106
Станоксозлик ва асбобсозлик саноати	104	107	108
Автомобиль саноати	104	100,6	100,1
Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги	103	105	105
Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик	102	104	104
Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ҳамда уй-рўзғор асбоблари	105	107	106
Ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик саноати	104	100,5	110,4
Микробиология саноати бош бошқармаси	102	102	100,7
Иттифоқ—республика ҳамда республика министрликлари ва идоралари			
СССР Қора металлургия	100,7	107	102
СССР Рангли металлургия	101	103	100,6
СССР Нефтни қайта ишлаш ва нефть-химия саноати	100,4	98	97
Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочсозлик саноати	110	110	109
Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати	104	107	107
Ўзбекистон ССР Енгил саноати	104	108	103
Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати	102	87	95
Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати	102	103	104
Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати	104	107	107
Ўзбекистон ССР маҳаллий саноати	104	113	109
Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги	104	105	104
Ўзбекистон ССР балиқ хўжалиги	100,1	104	104

Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳрида маҳсулот ҳажми юзасидан ярим йиллик планнинг бажарилиши, ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди:

	Маҳсулот ҳажми юзасидан 1 ярим йиллик планнинг бажарилиш процента	1982 йилнинг 1 ярим йиллигида 1981 йилнинг 1 ярим йиллигига нисбатан процент ҳисобида: ишлаб чиқариш ҳажми	меҳнат унумдорлиги
Қорақалпоғистон АССР	103	104	103
Андижон области	103	93	84
Бухоро области	103	98	95
Жиззах области	103	100,8	92
Қашқадарё области	100,5	111	108
Навоий области	103	110	108
Наманган области	107	100,1	98
Самарқанд области	103	96	96
Сурхондарё области	102	97	96
Сирдарё области	101	95	97
Тошкент области	102	106	104
Фарғона области	102	102	99,2
Хоразм области	103	98	99,5
Тошкент шаҳри	102	106	105

Энг муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди:

	1982 йилнинг 1 ярмида ишлаб чиқарилди	1981 йилнинг 1 ярмига нисбатан 1982 йилнинг 1 ярмида процент ҳисобида
Электр энергия, миллиард киловатт-соат	18,7	109
Минерал ўғит (шартли бирликларда), минг тонна	3622,6	106
Моногидрат ҳолидаги сульфат кислота, минг тонна	933,6	115
Синтетик смола ва пластмассалар, минг тонна	56,1	150
Синтетик ювиш воситалари, минг тонна	15,8	101
Кучланиш трансформаторлари минг киловольт-ампер	3559,9	100,1
Кабель, минг километр	8,7	89
Компрессорлар, дона	4572	117
Тракторлар, минг дона	12,4	105
Трактор прицеплари, минг дона	19,1	100,0
Трактор культиваторлари, минг дона	9,6	94

(Давоми учинчи бетда).

60 йиллигига зарбдор СССР ҳафталиклар

СССРнинг шонли 60 йиллиги шарафига ўтказилаётган зарбдор ҳафталикларнинг 26-июлдан бошланган ўттиз саккизинчиси транспорт ходимларига бағишланади.

Республикамиз транспорт ходимлари, барча меҳнаткашлари зарбдор ҳафталикда ғайрат-шижоат билан ишламоқдалар.

ДЕЛЕГАЦИЯ МОСКВАГА КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан ЖУЭЛ янги ҳаракат партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг Раиси, халқ революцион ҳукумат Бош министри Морис Руперт Бишоп бошчилигидаги Гренада партия-ҳукумат делегацияси 26 июль куни расмий визит билан Москвага келди.

Аэродромда меҳмонларни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий комитети секретари М. С. Горбачев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига, кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Пономарев, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МЕҲНАТ БИРЛАШМАЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ СЛЁТИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз ёш дўстлар!

Сизларни — мактаб ўқувчилари меҳнат бирлашмалари оммавий ватанпарварлик ҳаракатининг Улуғ Октябрь 65 йиллиги, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги олдидан умумхалқ тайёргарлиги кунларида ўзининг анъанавий Бутуниттифоқ слётига тўпланган вакилларини чин кўнгилдан табриклайман.

Партия XXVI съезднинг тарихий қарорларини муваффақиятли бажариш учун умумхалқ курашида мактабда ўқиган пайтларингиз қўлдан келган қадар иштирок қилишга интилишингизда совет ёшларининг ажойиб фазилатлари — коммунизм қуришдан иборат улуғ ленинча ишга чексиз садоқат, кўп миллатли ватанимизга оташин муҳаббат, жўш уриб турган ғайрат-шижоат намоён бўлмоқда.

Сизлар навқирон, кучга тўлиб тошган ёшларсиз. Ўз кучингиз ва билимингизни ҳозирги куннинг ўзидаёқ севикли Ватанга наф келтириш учун сарф қилингиз. Дала ва фермаларда, саноат корхоналарининг цехларида, хизмат кўрсатиш соҳасида, шаҳар ва қишлоқларни обод қилишда бажарадиган ишингиз ҳар бирингиз учун чинакам ҳаёт мактаби, фидокорона, ижодий меҳнат мактаби бўлиб қолсин. Ёшлик чоқларингизданоқ жонажон еримизга, кекса авлодлар қўли билан яратилган ҳамма нарсага ғамхўрлик билан муносабатда бўлишни, тежамкорликни, ўз ишини яхши ташкил этишни, юксак онгли интизомни, топширилган ишга масъулият билан қарашни чуқур ўрганингиз. Партия ва давлат органлари, касаба союзлари, комсомол, меҳнат коллективлари сизнинг олга қараб қилаётган ҳаракатингизга доим ёрдам берадилар.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми маъқуллаган СССРнинг Озиқ-овқат программаси сизнинг фаолиятингиз учун жўда катта йўл очиб беради. Ленин комсомоли бу программани ўзининг жонажон иши деб қабул қилганлиги бизни қувонтиради. Ёшлар бу программани амалга ошириш, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун, қишлоқларимизни янада кўркам, янада бадавлат қилиш учун кўп иш қилишлари керак. Ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларининг фаолияти, уларнинг составида чорвачилик звеноларнинг вужудга келтирилиши, ем-хашак тайёрлаш, ҳосилни йиғиштириб олишда мактаб ўқувчиларининг оммавий иштироки янада кучайтирилиши керак.

Азиз дўстлар!

Сизлар Қозоғистоннинг тилларда достон бўлиб қолган диёрида тўпландингиз. Қўриқ ерларни ўзлаштириш — умумхалқ жасоратидир. Бу жасорат давом этмоқда! Сизларнинг орангизда Ватанимиздаги кўп миллатларнинг вакиллари бор. Халқлар дўстлиги — улуғ кучдир! Ватанинг янада равнақ топиши, унинг қудрати ва шон-шуҳрати сиз, ёшларга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Кекса авлодларнинг қаҳрамонона анъаналарини авайлаб сақлангиз ва кўпайтирингиз, комсомол шонли ишларининг йилномасини муносиб давом эттирингиз. Коммунистик партиянинг ишига, халқнинг ишига ҳамиша содиқ бўлингиз, енгилмас Ленин байроғи — Октябрь байроғини шараф билан кўтариб борингиз!

Л. БРЕЖНЕВ

МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФАЛАРИ

26 июль куни Тошкентда бўлиб ўтган республика кенгаши партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистонда бўлган вақтида қўйган вазифаларини ҳал этишда халқ депутатлари район, шаҳар ва область Советларининг ижроия комитетларининг ролини оширишга бағишланди. Кенгашда халқ депутатлари район ва шаҳар Советлари ижроия комитетларининг, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг, область ижроия комитетларининг раислари, министрликлар ва идоларларнинг раҳбарлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети, Республика Госплани, Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети аппаратининг масъул ходимлари қатнашдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов «КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленумининг қарорларини, СССРнинг Озиқ-овқат программасини бажариш соҳасида Ўзбекистон халқ депутатлари Советларининг вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев «Ишда демократик принципларни такомиллаштириш ва омма билан алоқани янада мустаҳкамлаш соҳасида республика халқ депутатлари Советларининг вазифаларни тўғрисида», Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев «Маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг фаолиятини янада такомиллаштириш ва хўжалик қурилишида уларнинг ролини ошириш тўғрисида» доклад қилдилар.

Маҳаллий Советлар фаолиятининг турли жиҳатлари, республикани социал-иқтисодий ривожлантиришнинг турли соҳаларида саноат ва халқ истеъмол моллариии кўпроқ ишлаб чиқариш, капитал қурилишнинг самарадорлигини ва суръатларини ошириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришни таъминлаш ва агросаноат комплекси тармоқларига раҳбарликни яхшилаш, халқ маорифи, маданият ва соғлиқни сақлашни ривожлантириш, савдо-сотиқ ва аҳолига маиший хизматни такомиллаштириш соҳаларида уларнинг ролини янада кучайтириш тўғрисида қўшимча докладлар тингланди. Республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари А. Р. Хўжаев, В. К. Михайлов, Б. Р. Раҳимов, Р. Ҳ. Абдуллаева, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров қўшимча доклад қилдилар.

Кенгашда доклад ва қўшимча докладларни муҳокама қилишда, маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг иш тажрибасини ўртоқлашишда Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов, Муборак район ижроия комитетининг раиси Х. Рахмонов, Тошкент область ижроия комитетининг раиси Т. А. Алимов, Нукус шаҳар ижроия комитетининг раиси А. Кунназаров, Бухоро шаҳар Тўқимачилик район Совети ижроия комитетининг раиси Л. Н. Пятина, Наманган район ижроия комитетининг раиси С. Тошпўлатов, Нурота район ижроия комитетининг раиси О. Қодиров, Пахтакор район ижроия комитетининг раиси В. И. Пасюта қатнашдилар.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, О. У. Салимов, А. А. Хўжаев, Н. М. Маҳмудова, Л. Н. Мелькумов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари Г. М. Орлов, К. Рзаев, СССР Олий Совети Президиумининг масъул ходимлари В. А. Ракушин, П. Б. Масеказ иштирок қилдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗАРО ТЕКШИРИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ДЎСТЛАР МАСЛАҲАТИ— ОЛТИНДАН ҚИММАТ

Бугунги кунда Фарғона области пахтакорлари, чорвадорлари, сабзавоткорлари янада ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Мўлкўлчилик йўлида бутун куч ва имкониятларини ишга солмоқдалар. Мавжуд резервлардан омилкорлик билан фойдаланмоқдалар.

Область пахтакорлари бу йил она-Ватанга 600 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилганлар. Айни кунларда бутун ҳаракат ана шу юксак социалистик мажбуриятни ошириб бажаришга қаратилган. Бир неча йиллирки, фарғоналиклар Тожикистон ССРнинг Ленинобод области пахтакорлари билан мусобақалашиб келадилар. Ленинободликлар фарғоналик деҳқонларнинг пахта етиштиришнинг аллома устозлари, ажойиб миришкорлари деб билишади. Бу мусобақа икки областда ҳам ғўза парваришида иш сифатини янада яхшилаш, йўл қўйилаётган нуқсонларни тезроқ бартараф этиш, фойдаланилмаётган резерв ва имкониятларни ишга солишда ҳал қилувчи омил бўлаётир.

Бу йилги об-ҳаво шароити катта қийинчиликлар туғдиргани ҳаммага маълум. Шундай шароитда мусобақа шартлари қандай бажарилмоқда? Ғўза ва бошқа экинлар ривожидаги қолоқликни бартараф этиш учун қандай чоралар кўрилянти? Яқинда мусобақадош пахтакорларнинг ўзаро текшириш бригадаси аъзолари ана шу ишт билан бу ерга ташриф буюрдилар. Ўзаро текшириш бригадасига халқ депутатлари Ленинобод область Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Даврон Обидов раҳбарлик қилмоқда. Бригада составида Панж район партия комитетининг биринчи секретари Аҳмаджон Жумаев, Матчоҳ район комсомол комитетининг биринчи секретари Қаҳҳор Файзиқулов, Конибодом районидаги «Москва» колхозининг бош агрономи Абдусалом Раҳимов, Хўжанд районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг бригада бошлиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдуллажон Бобожонов, Пролетар районидаги «Гулхона» қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси Жўравой Абдурраҳмонов, Исфара районидаги Ленин номли колхоз партия ташкилотининг секретари Алиёрбек Жумақулов ва бошқа ўртоқлар бор.

Улар бир неча кун давомида Фарғона область пахта далаларида, чорвачилик фермаларида, маккажўхоричилик бригадаларида ва мевазор боғларида бўлиб, мусобақа шартларининг бажарилишини атрофлича кўздан кечирдилар. Фарғона областининг ҳар бир районида кўплаб ташаббускор бригадаларда мўл ҳосил етиштирилаётганлигидан ғоят мамнун бўлишди. Айниқса, Киров районидаги «Москва» колхозидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати М. Ўролов, Киров номли совхоздан СССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. Ҳолиқов, Фрунзе районидаги Карл Маркс номли колхоздан КПСС XXVI съезди делегати О. Қозоқов, шу хўжаликнинг Ўзбекистон Компартияси XX съезди делегати М. Бўстонов, Ленинград районидаги Энгельс номли колхоздан СССР Олий Совети депутати М. Насриддинова, Боғдод районидаги «Большевик» колхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Қодиров ва бошқа ўртоқлар бошчилик қилаётган бригада коллективлари ҳар гектар ердан 50-60 центнердан ҳосил етиштириш учун курашаётганликларини кўриб мусобақадошлар дилдан қувонишди.

Шу кунларда республикамиз далаларида қардош Озарбайжон, Тожикистон ва Туркманистон ССР пахтакорларининг вакиллари мусобақа шартларининг бажарилиши билан атрофлича танишмоқдалар ва ўзларининг қиматли фикр ва мулоҳазаларини билдирмоқдалар.

Суратда: озарбайжонлик ўзаро текшириш бригадаси аъзолари Жиззах областининг Дўстлик районидаги Қосим Раҳимов номли совхоз пахта далаларида.

А. Тўраев фотоси.

Бу бригадаларда ҳар туп ғўза деҳқон эътиборида. Шу сабабли ғўзалар қийғос ҳосил тўплаяпти. Шоналар гўлларга, гўллар тўқ қўсакларга айланяпти. Шу кунларда деҳқонлардан янада юксак масъулият билан, сифатли ишлаш талаб этилади. Область деҳқонлари буни сидқидилдан ҳис этган ҳолда ҳозирги долзарб кунларнинг қадрига етиб ишлаш, бутун куч ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда ғўза парваришидаги ҳар бир агротехника тадбирини оби-тобида амалга оширишга ҳаракат қилишяпти. Июль — ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой ҳисобланади. Шу масъулиятли кунларнинг ҳар дақиқасидан юксак унум билан фойдаланаётган пахтакорларнинг далаларида ғўзалар соғлом ва серҳосил бўлиб ўсмоқда.

Қува районидаги Димитров номли, Фарғона районидаги Ленин номли, Ўзбекистон районидаги Ғафур Ғулом номли, Бувайда районидаги Киров номли колхозларнинг, Риштон районидаги «Риштон» совхозининг ва бошқа жуда кўп хўжаликларнинг пахта далаларида юбилей йили юксак мажбуриятларига яраша мўл ҳосил етиштириляпти.

Меҳмонлар бу йил она-Ватанга 80 минг тонна дурдона етказиб беришга сўз берган Киров районининг далаларида бўлганларида меҳр билан ардоқлаб парваришланаётган ғўзаларни кўриб ғоят қувонишди. Ўзаро текшириш бригаси аъзолари Киров номли совхозининг биофабрикаси иши билан яқиндан танишдилар. Маълумки, Фарғона областида биринчи бўлиб шу совхозда ғўзаларга биологик метод билан ишлов беришга ўтилган эди. Мазкур йилда биолаборатория коллективи совхознинг 3300 гектар пахта майдонидаги ғўзаларни, 400 гектар маккажўхоризорни, 100 гектардаги сабзавот, 370 гектар боғ-роғларни биологик усулда зараркунандалардан ҳимоя қилишга сўз берган. Мусобақадошлар совхознинг Ҳурнисо Пирматова, Юнусали Бойбобоев, Нишонбой Бердиқуловлар етакчилик қилаётган бригадаларидаги ғўзаларга сифатли ишлов берилиб, чеканка ўтказилаётганлигидан ғоят ҳурсанд бўлишди.

Лекин райондаги ҳамма хўжаликларда ҳам аҳвол бирдек эмас. Масалан, «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг Толибжон Мадраҳимов, Ҳакимжон Хўжамуродов ва бошқа бригада далаларидаги ғўзаларга қўшимча ишлов бериш зарурлигини аниқладилар. Айрим карталардаги ғўзалар эса чанқатиб қўйилган. Маҳкамбой Рустамов етакчилик қилаётган бригада далаларини қўздан кечирган мусобақадошлар қўнғика майдонларга ҳосил қушандаси бўлган ўргимчаккана тушганлигини кўриб, ранжишди. Бунинг устига айрим карталардаги ғўзалар чанқатиб қўйилганлиги аниқланди.

Ўзаро текшириш бригадаси аъзолари юбилей йилида 50 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилган Бувайда райони далаларида ҳам бўлдилар. Улар райондаги кўпгина хўжаликларда ғўза парваришида қўлга киритилаётган ютуқлардан мамнун бўлдилар. Аммо «Бетга айтганнинг заҳри йўқ» деганларидек, райондаги Калинин номли колхознинг Жаббор Ўлжаев, Набижон Турсунов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригада пайкалларида ғўза бир текис ривожланмаётганлиги ачинарли ҳолдир. Кўчатлар паст-баланд, уват четларидаги ғўзаларга ишлов берилмаган. Бригада аъзолари табақалашган усулда ишлов беришлари, ривожланишдан орқада қолган ғўзаларнинг тезроқ амал олишини тезлаштиришлари лозим.

Мусобақадошлар Боғдод районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг кўпгина бригадаларида кўсак сийраклиги, ҳашаротга қарши кураш яхши ташкил этилмаганлигини кўрсатдилар. Риштон районидаги айрим хўжаликларда, бўлим ва бригадаларда ҳозирданоқ хотиржамлик кайфияти пайдо бўлганлигидан ранжидилар. Улар Фарғона, Тошлоқ, Охунбобоев районлари пахта далаларида ҳам бўлишиб, айрим хўжаликларда ғўза ривожидаги қолоқликдан кўнгиллари тўлмади. Баъзи хўжаликларда ғўзага ишлов беришда агротехника қоидаларининг бузилиш ҳолларига йўл қўйилмоқда. Юқоридаги районларда бир неча юз гектар майдондаги ғўзаларнинг яхши ривожланиши учун парваришни авж олдириш, ҳосил нишонларини янада кўпайтириш соҳасида амалий тадбирлар белгилашни маслаҳат бердилар.

Ҳамкасб мусобақадошлар Фарғоналиклларга ҳосилга-ҳосил қўшиш даври ҳисобланган июль-август ойларида барча пайкалларидаги ғўзаларга камида икки марта, ривожланишдан орқада қолган ниҳоллларга эса уч марта ишлов беришни тавсия этдилар. Шу билан бир қаторда деҳқонлар пешона тери билан етиштираётган ҳосилни зарарли ҳашаротлардан асрашга алоҳида эътибор беришни таклиф қилишди.

Фарғоналик пахтакорлар мусобақадошлари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалардан тўғри хулоса чиқариб, дала ишларини янада кучайтиришга киришдилар.

А. ТЎХТАСИНОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ВА ОБЛАСТЛАРНИНГ ЮБИЛЕЙОЛДИ ЙЎҚЛАМАСИ

ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИДА ЯШНАГАН ВОҲА

БУГУН СЎЗ—СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ ВАКИЛЛАРИГА

Сурхондарё, деганда фақат республикамизнинг эмас, балки Иттифоқимизнинг энг жанубий ўқ ўнгингизга келади. Ҳа, Сурхондарё Советлар мамлакатининг энг жанубий ўлкаларидан бири бўлиб у, шарқ ва шимол томондан қардош Тожикистон республикаси, шимоли-ғарб томондан эса қўшни Қашқадарё области, ғарбда Туркманистон ССР, жанубдан эса Афғонистон Демократик Республикаси билан чегарадош. Областнинг марказий ва жанубий қисми Хисор тоғи тизмалари орасидаги пастликлардан иборат бўлиб, бу ерлар Сурхон, Шеробод, Қизилсув, Тўпалон, Сангардак ва бошқа дарёлар орқали сугорилади. Булар ичида энг каттаси Сурхон дарёси бўлиб, бу дарё областнинг шимолидан жанубига томон кесиб ўтади ва область территориясини деярли икки қисмга бўлади. Сурхон дарёси Термиз яқинида Ўрта Осиёнинг энг катта дарёси Амударёга қўшилади.

Ҳурматли газетхон, ўлкамизнинг географик ўрни ҳақида сиз озми-кўпми тасаввурга эга бўлдингиз. Воҳанинг социал иқтисодий ва маданий ҳаётида юз берган улкан ўзгаришлари тасаввур қилиш учун Сурхондарёнинг ўтмишига, инқилобдан олдинги ҳаётига бир назар ташлайлик. Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар Сурхондарё области территорияси Бухоро амирлигининг энг кам аҳоли яшайдиган чеккаси эди. Маълумотларга қараганда, ўша вақтда бир квадрат километрда аҳолининг зичлиги 10 кишига ҳам тўғри келмас экан.

Россияда буржуа-демократик революция ғалаба қилганлиги, чоризм ағдарилганлиги тўғрисидаги хабар бизнинг ўлкамизда ҳам жуда қизғин кутиб олинган. Термизда ўша пайтда оммавий митинг ва йиғилишлар ўтказилган. Февраль революцияси ғалабасидан кейинги дастлабки кунларда Термизда «Термиз ишчилар союзи — Паттақисар» союзи тузилиб, унга асосан шаҳардаги пахта тозалаш заводи ишчилари аъзо бўлиб кирган эдилар.

1920 йили Бухоро Халқ Совет Республикаси деб эълон қилингандан кейин Бухоро амирлиги чеккаларида ҳам Совет ҳокимияти органлари тузила бошланди.

Ўша йилларда ўлкамизда босмачилик ҳаракати авж олганди. Бухоро амири, беклар ва бойлар ҳокимиятдан ва бойликларидан осонгина ажралиб қолишни истамас эдилар. Улар инглиз империализми ёрдамида босмачилик ҳаракатини авж олдирдилар. Чегаранинг яқинлиги босмачиларнинг чет элларидан моддий ва ҳарбий ёрдам олиб туришига имкон берди. Улар активларни ўлдиришди. Омборларни талашди, мол-ҳолларни ҳайдаб олиб кетдилар, қишлоқларни ёндирдилар.

Босмачиларга қарши курашда Қизил Армиянинг ҳаракатдаги қисмлари билан бир қаторда маҳаллий аҳолидан тузилган кўнгилли милиция отрядлари ҳам мардлик, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Улар орасида Чори Беркалиев, Эгамберди Қувватов ва бошқа активлар раҳбарлик қилган отряднар алоҳида ажралиб турдилар. Деҳқонлардан қизилқалпоқчилар отрядлари тузилиб ,улар босмачи тўдаларини бутунлай йўқ қилишда актив иштирок этишди. Воҳамизда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун қаҳрамонона курашганлар областнинг шонли тарихи саҳифаларида муносиб қайд этилган.

Октябрь знёсидан баҳра олган Сурхон воҳаси Совет ҳокимияти йилларида мисли кўрилмаган даражада ўзгариб кетди. Областнинг бугунги саноати, қишлоқ хўжалиги ва маданияти ҳар томонлама ўсиб, гуркирамоқда, қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда. Ана шундай буюк тарихий социал, иқтисодий ўзгаришлар аввало, социалистик тузумимиз, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан ленинча миллий сиёсатнинг оғишмай амалга оширилаётганлиги, кўп миллатли давлатимиз халқларининг мустаҳкам дўстлиги ва ўзаро қардошлигининг шарофатидир. КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидек «Янги, адолатли дунё учун биргаликда олиб борилган курашда меҳнат аҳлининг буюк қардошлиги, ягона оила туйғуси вужудга келди, омма бунёдкорлик ижодининг битмас-туганмас манбалари —халқлар ленинча бузилмас дўстлиги таркиб топди».

Бу қаётий ҳақиқат. Ўтмишда қолоқ бўлган Сурхондарё эндиликда мамлакатга фақат «оқ олтин» эмас, балки хилма-хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан ташқари, кўмир, нефть-газ, қурилиш материаллари етказиб бермоқда. Ҳозирги кунда область территориясида замонавий техника билан таъминланган ўнлаб саноат корхоналари ишлаб турибди. Октябрь революциясига қадар областда битта пахта тозалаш заводи ишлаган бўлса, эндиликда бундай заводлар пахта етиштирувчи ҳар бир районда бор. Сариосиёда гишт ва шағал саралаш заводи, Деновда ёғ-экстракция, консерва заводлари, Жарқўрғонда ёғочни қайта ишлаш, Бойсунда шойи тўқиш фабрикаси, Шерободда керамика буюмлари заводи ва бошқа корхоналарда турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Сурхондарё областида саноат ишлаб чиқаришини тез суръатлар билан ривожлантиришда транспорт воситалари муҳим роль ўйнамоқда. Темир йўл, сув, автомобиль ҳамда ҳаво йўллари транспорти жадал ривожланмоқда. Яқинда Амударё устида қурилиб, ишга туширилган кўприк СССР ва Афғонистон Демократик Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун хизмат қилади.

Партия ва ҳукуматимиз Сурхондарёнинг серунум ерларини суғоришга алоҳида эътибор берди. Совет ҳокимияти йилларида Ҳазорбоғ, Қумқўрғон, Какайди каналларининг қурилиши натижасида қарийб икки юз минг гектар майдонга сув чиқариш имкони туғилди. Натижада қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ҳам оша борди.

Область қишлоқ хўжалигининг ривожланишида, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаж мини кўпайтиришда қўриқ ерларни, айниқса, Сурхон-Шеробод чўлини ўзлаштириш алоҳида аҳамиятга эга бўлди. XX аср бошларида Сурхон сувидан чўлни суғоришда фойдаланишга ҳаракат қилиб кўрилган, 1912 йилда рус капиталисти Ананьев Шеробод-чўлидан 75,5 минг десятина ерни ўзлаштириш учун Бухоро амиридан розилик олган. Лекин Ананьев бунинг уддасидан чиқолмаган.

Фақат Совет ҳокимияти йилларида халқнинг асрий орзуси амалга ошди. Чўлни ўзлаштиришга 1961 йилнинг бошидан жадал киришилди. КПСС XXIII съездида Сурхон-Шеробод чўлларини ўзлаштиришни давом эттириш муҳим вазифалардан бири қилиб қўйилди. Чўлни сув билан таъминлаш учун эса сийнасига 800 миллион куб метр оби-ҳаёт сиғадиган Жанубий Сурхон сув омбори қуришга киришилди. Сув омбори қурилиб бўлгач, Шеробод магистраль каналн қурилиб, ишга туширилди. Бу каналдан бир секундда юз куб метр сувни чўлга оқизиш имкони туғилди.

Сув омбори ва каналлар қурилиши билан бирга ирригация, коллектор-дренаж тармоқлари қурилиши ишлари ғоят кенг кўламда олиб борилди. Бу тадбирларнинг ҳаммаси областда экин майдонларининг кенгайишига, ҳосилдорликни оширишга баракали таъсир кўрсатди. Ҳозирги пайтда Сурхондарё деҳқонлари 153 минг гектар майдонда пахта етиштирмоқдалар.

Областда сув муаммосининг ҳал этилиши натижасида чўл ўрнида ўнлаб янги совхозлар, иккита янги район тузилди. Чўлда тузилган биринчи район фазокор Юрий Гагарин номи билан юритилади. «Янгиобод», «Комсомолобод», «Советобод», Абдулла Набиев номли, «Партия XXIV съезди», «Искра», «Пограничник», «Шоликор» совхозлари қаторига ўтган йили чўлнинг сўнгги нуқтасида ташкил этилган «Навбаҳор», Навоий номли совхозлар ҳам қўшилди. Гагарин райони меҳнаткашлари асосан ингичка толали пахта етиштириш билан шуғулланмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорларига жавобан улар юбилей йилида давлатга 75 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун кураш олиб боряптилар.

Шеробод районида қақраб ётган ерларда янги совхозлар ташкил этилиб, бугунги кунда бу хўжаликлар ҳам давлатга тонна-тонна пахта топширишяпти. Ленин йўли районн меҳнаткашлари ҳам чўлни бўстонга айлантирмоқдалар. Бу рандаги областнинг катта карвон хўжаликлари —Ленин номли, Охунбобоев номли, Будённий номли, Қосим Раҳимов номли совхозлар ҳар йили пахтадан мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Чўл даргалари Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Абдусаттор Қурбонов, Жиянқул Рустамов ва бошқалар республикага довруг таратмоқдалар.

Кейинги йилларда область партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари ипак пахта етиштиришни кўпайтириш билан боғлиқ бўлган муҳим тадбирларни амалга оширишмоқда. Ангор, Термиз, Жарқўрғон, Гагарин, Ленин йўли районлари ингичка толали пахта етиштиришга ихтисослаштирилган. Ипак пахта етиштирувчи районларни сув билан таъминлашни яхшилаш мақсадида Оқтепа сув омбори қурилиши жадал олиб борилянти. Хўжаликларни минерал ўғит билан таъминлаш яхшиланмоқда, ипак пахтанинг ҳарид нархи оширилди. Бу ғамхўрликларга жавобан сурхондарёликлар ҳар йили давлатга кўплаб ипак пахта етказиб беряптилар. Агар 1937 йилда областда бор-йўғи 409 гектар майдонга ипак пахта чигити экилган бўлса, бу йил қарийб 70 минг гектар майдонда ингичка толали пахта етиштирилмоқда. Кўпгина хўжаликлар ҳар гектар майдондан камида 40 центнердан ипак пахта ҳосили йиғиштириб олиш учун курашмоқдалар.

Область пахтачилиги тез суръатлар билан ривожланаётганлиги бу аввало, партия ва ҳукуматимизнинг доно раҳбарлиги ва ғамхўрлиги самарасидир. Бугунги кунда область қишлоқ хўжалиги қудратли, замонавий техника билан таъминланган. Бу техникани оқилона ишлата оладиган механизатор кадрларнинг катта армияси ҳам мавжуд.

Бугунги кунда Сурхондарё фақат пахта кони эмас, унинг зар тупроғида элимиз дастурхонига тортиқ қилинаётган хилма-хил ноз-неъматлар етиштирилмоқда. Областда узум ва мева етиштирувчи махсус совхозлар ташкил этилган. Термиз районидаги «Дружба» лимонарийсида катта майдонда лимон ўстирилаётгир. Шунингдек, жамоат чорвачилиги ҳам жадал суръатлар билан ривожлантирилмоқда. Маълумки, область ўзининг рангли қоракўл терилари билан фақат Иттифоққа эмас, балки бутун дунёга таниляпти. Қумқўрғон районидаги Гагарин номли давлат наслчилик заводида рангли қоракўл терилар етиштиришда ҳар йили яхши кўрсаткичларга эришилмоқда. Бугунги кунда областнинг деярли ҳамма хўжаликларида чорвачилик фермалари бор. Амударё этагида эса балиқчилик хўжалиги ташкил этилган.

Амалга оширилаётган бу улуғ ишларнинг ҳаммасини қўлни-қўлга бериб, бир оила фарзандларидек яшаб, меҳнат қилаётган кўп миллатли совет халқларининг вакиллари бажаришяпти. Бугунги кунда Сурхон воҳасида совет халқларининг 40 дан ортиқ миллат вакиллари ога-инилардек яшаб, меҳнат қиляптилар.

Область экономикасининг ҳар жиҳатдан ривожланиши унинг маданий қиёфасида, сурхондарёликлар турмуш тарзида ҳам ўз аксини топмоқда. Шаҳарлар, район марказлари, колхоз ва совхозлар посёлкалари обод бўлаётганлиги фикримизнинг далили. Областнинг кўпгина хўжаликларида шаҳар типидаги посёлкалар қурилиб, уларда меҳнаткашларнинг фаровон яшаб, унумли меҳнат қилишлари учун барча шароитлар муҳайё этилган. Сариосиё районидаги «Коммунизм», Ленин йўли районидаги Қосим Раҳимов номли совхозлар, Қумқўрғон районидаги «Москва», Термиз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозларининг ва бошқа ўнлаб посёлкаларнинг бугунги қиёфасини кўриб дилдан қувонасиз.

Октябрь революциясига қадар саводли киши ниҳоятда кам бўлган воҳамизда бугун ҳамма саводхон. Ўрта ва саккиз йиллик мактабларда, ҳунар-таълим билим юртларида, Ойбек номли Термиз Давлат педагогика институтида, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, кооператив техникумларида сурхондарёлик ёшлар таълим олмоқдалар.

Областимиз меҳнаткашлари бугунги кунда келажак сари шаҳдам одим ташламоқдалар.

, КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартияси XX съезди белгилаб берган вазифаларни ҳам сурхондарёликлар ҳар жабҳада муваффақиятли бажармоқдалар. Беш йилликнинг биринчи йилида эришилган улкан муваффақиятлар учун область Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси голибларидан бири, деб топилди ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди.

Бугунги кунда нимагани эришибмиз, бу фидокорона меҳнат меваси, унинг натижасидир. Ленинча миллий сиёсат, Коммунистик партиянинг доно раҳбарлиги, одамларнинг меҳнат қўтаринкилиги — худди мана шулар Сурхондарёни асрий қолоқликдан олиб чиқди, уни гуллабяшнаган воҳага айлантирди.

Шу кунларда областимиз меҳнаткашлари СССРнинг Озиқ-овқат программасини муваффақиятли амалга ошириш ишига муносиб улуш қўшиш орзусида зарбдорчасига меҳнат қилмоқдалар. Бепоён далаларда, саноат корхоналари, қурилиш ташкилотларида, чорвачилик фермаларида меҳнат қўшиғи баралла янграяпти. Барча СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига бошланган мусобақада фаол иштирок этиб, ҳар бир иш кунини қувончли меҳнат ютуқлари билан якунлашга интилмоқда. Юбилей йилида областимиз пахтакорлари давлатга 600 минг тонна, жумладан 300 минг тонна ипак пахта топширишга аҳд қилишган. Халқимиз дастурхонига ҳар қачонгидан ҳам кўп дон, мева, сабзавот ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан ҳам юксак мажбуриятлар қабул қилинган. Эл-юрт олдида берган ваъданинг муваффақиятли уддасидан чиқиб, Иттифоқимиз юбилейини ёруғ юз билан кутиб олиш барчанинг муқаддас бурчидир!



Термиз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози посёлкаси йил сайин ободонлашиб ва кўркамлашиб бормоқда. Чунки колхоз экономикаси юксалган сари хўжалик меҳнаткашларининг турмуш маданиятини юксалтириш учун кўплаб капитал маблағ ажратилмоқда. Бош план асосида қайта қурилаётган посёлка шаҳар тусини олмоқда.

Муҳташам маданият саройи, болалар боғчаси, типовой мактаб биноси, турнақатор турар-жой бинолари, тахтировон асфальт йўллар, маиший хизмат уйи қишлоқнинг маданий қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборган.

СУРАТДА: колхоз тажриба-намунавий посёлкасининг кўчаларидан бирини кўриб турибсиз.

Ж. ТЎРАЕВ фотоси.

М. ДАНИЛЬЯНЦ — революция ветерани, Б. ОМОНОВ — Сариосиё районидаги «Коммунизм» агросаноат ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Э. ШАМАЕВ—Бойсун районидаги «Сайроб» совхозининг бош чўпони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Б. ҲАСАНОВ— «Сурхансовхозводстрой» бирлашмаси бетончилар бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, У. ДОНИЕРОВ— колхоз тузуми ветерани, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Х. АБДУЛЛАЕВА —Жарқўрғон районидаги «Социализм» колхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи, КПСС XXVI съезди делегати, Ш. ҚУДРАТОВ—Шеробод районидаги Н. Муродов номли совхоз директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, С. ЭЛМУРОДОВА —Гагарин районидаги «Искра» шоличилик совхози механизациялашган бригадаси бошлиғи, ВЛКСМ XIX съезди делегати, Х. САПАРОВ, —Ленин йўли районидаги Будённий номли совхоз комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи, СССР Олий Советининг депутати, СССР Давлат мукофотининг лауреати, Б. ХУДОИНАЗАРОВА — Термиз районидаги Жданов номли колхознинг илғор пиллачиси, М. МАЙОРОВА —Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, пенсионер.

ЎРИМ АВЖИДА

Ўрим-йиғимнинг биринчи куни ҳамиша деҳқон учун байрам бўлади, ҳамманинг юзида қувонч, енгил ҳаяжон сезилиб туради, эрта кўкламдан бери тўкилган пешона терининг самараси завқ-шавқ бахш этади. Республикамизнинг жанубий қисми— Сурхондарёда «паҳрабо дон» ҳосилини ўриб-йиғиб олиш қизғин бошланиб кетди. Қашқадарё ва Бухорода ҳам эртага-индин «Херсонец»лар ишга туширилади. Қаршн районидаги Генерал Собир Раҳимов номли совхозининг Мардон Чориев бошлиқ бригадаси ҳозир дала четларида агрегатлар бурладиган жойларни ҳозирлаб қўйдилар. «Херсонец»лар, ҳосилни ташиш учун дала техника дала шийпонига келтирилди.

Чориевлар оиласи олти йилдан бери маккажўхори етиштириб келяпти. Ҳар гектар ердан 100 центнердан ошириб дон олишяпти. Бригадада 4 ака-ука Мардон, Толмас, Эркин, Ўктам ва уларнинг рафиқалари Соҳиба, Озода ва Дилбарлар меҳнат қилишади. Бу йил аҳил оила КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорларига жавобан 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 120 центнердан «паҳрабо дон» ва 500 центнердан силосбоп кўкпоя олишни мўлжаллашяпти.

Бригада суғориладиган ердан унумли фойдаланиш учун барча майдонга маккажўхори билан хашаки лавлагини қўшиб экишган. Маккажўхори туплари ёнида хашаки лавлаги ҳам яхши ўсмоқда. Маккажўхори ўриб-йиғиб олинишн билан дарҳол хашаки лавлагига ишлов берилади. У офтоб нурларидан баҳраманд бўлиб, тез авж олади. Бригада аъзолари ҳар гектар ердан 450 центнердан хашаки лавлаги олишни, хўжалик сут-товар фермасига мўл ширали озуқа етказиб беришни мўлжаллашяпти.

Б. ШОНАЗАРОВ.

Суратда: тажрибали маккажўхорикор Мардон Чориев ҳосил тўғидан мамнун.

Ш. Шаропов фотоси.

(ЎзТАГ).

СУВЧИЛАР

Тун... Бутун борлиқ ором оғушида. Кўкда юлдузлар чамани... Усмон Юсупов номли Катта Фарғона каналининг чап соҳилидаги этаги уфққа туташ пахтазордамиз. Эгатларда жилдираб сув оқади. Сув юзида тўлин ой акси. Гўё эгатларда сув эмас, дур оқаётгандек...

— Ҳорманг, Алибой ака! Ишларингиз қалай?

— Чакки эмас, ука. Обитобида «шарбат»га қондирилаётган ғўзаларимизнинг барқ уриб яшнашини қара. Ҳар тупда 6—8 тадан кўсак бор. Ҳосил нишоналари кун сайин кўпайиб борянти. Бу сен билан бизнинг ҳалол меҳнатимиз туфайли, албатта, — деди эгатлардаги сувнинг бир маромда жилдираб оқаётганига ишонч ҳосил қилган Алибой Шамсиев ҳамкасби Бегматжон Ёрматовга.

— Ғўза офтобсевар ўсимлик-да. Саратон саратонлигини қиляпти. Кун бўйи қуёш чарақлаб, ҳарорат кўтарилиб бораётгани, тунда тушаётган салқин ғўзаларимизни ривожлантиришда айни муддао бўляпти, — жавоб қайтарди унга Бегматжон.

— Нимасини айтасан, кечаси «шарбат»ь оқизишнинг фойдаси катта. Чунки, кечки салқинда сув буғланиб кетмайди, ҳар қатра оби-ҳаёт — ғўза томирига қондек сингади. «Шарбат» ўсимликнинг малҳами—жони «Шарбат»га қондирилган ғўза бақувват, серҳосил ва калта бўгин бўлиб ўсади. Ҳосили тез пишиб етилади, — деб суҳбатни давом эттиради Алибой ака.

Булар Киров районидаги «Искра» колхозининг 1 класс мирзиқор сувчилари. Ниёзали Аҳмедов бошлиқ 55 центнерчи бригаданинг тунги соқчилари.

Алибой аканинг сувчилик қилаётганига 17 йилдан ошяпти. Ана шу давр ичида у сувчиликнинг нозик сир-асрорини мукаммал ўрганиб, бой тажриба тўплади. Ўз тажрибаларини ёш сувчиларга бажонидил ўргатади. Бегматжон Ёрматов ҳам унинг жонкуяр шогирдларидан. 7 йилдирки, Бегматжон устози билан бир сафда тер тўкиб келаяпти.

Айни пайтда устоз ва шогирд сувчилар юбилейолди меҳнат вахтасида ўзаро социалистик мусобақа асосида зарбдорона ишлаб, колхоздаги 145 нафар сувчи ўртасида пешқадамлик қилишмоқда.

Ана, сувчилар ишини назорат қилиб юрган бригада саркори Ниёзали Аҳмедов улар оби-ҳаёт таратаётган пайкалга етиб келди. Ҳамма жойида: иш сифатли, ҳар қатра сув назоратда. Сувчилар ўз постларида ҳушёр. Ниёзали ака улардан мамнун бўлиб, миннатдорчилик билдирди.

— Мирзиқор сувчиларимизнинг ғайрат-шижоати туфайли, — дейди у, — ғўзаларимиз учинчи марта «шарбат»га қондирилиб, баравж, дуркун ривожланяпти. Минг гектарчи механизаторимиз Қўчқорали Аҳмедов ғўза қатор ораларига бешинчи ишлов бераётган бўлса, Ханифа Қамбарова, Насибахон Сулаймонова, Замира Матмусаева каби зарбдорлар чопиқ қилишда ибрат кўрсатишяпти.

Машъал сувчилар изидан бораётган Абдулаҳад Холиқов, Яҳёбой Исмоилов ҳам суғоришни зарбдор 90 кунлик талаблари асосида амалга ошириб, смена графигини мунтазам 1,5—2 ҳиссадан бажаряптилар.

— Бугунги иш ҳалолингиз қанча, Алибой? — дея миришкор сувчига юзланди у.

— Тонг отгунча бир гектар майдонни кўлдан чиқараман.

— Ҳимматингизга балли! —қувониб кетди бригадир.

— Сувни тежаб-тергаб сарфланглар.

— Хотиржам бўлинг. «Сувчи — ғўзани яшнатувчи» деган номимизни албатта оқлаймиз, —деди Алибой Шамсиев ҳазиломуз.

— Балли, кузда яратиладиган юксак ҳиромонимиз сизларнинг шу кунлардаги меҳнатингизга, жасоратингизга боғлиқ. Фидокорликларингиз туфайли барча майдондаги ғўзаларимиз барқ уриб яшнаб, мўл ҳосил тўплаяпти. «Сув — зар, сувчи заргар» дейдилар. Яшанглар, заргарлар!..

Тунги сокинликни сувчилар гурунги бузади. Улар яна эгат оралаб кетишди.

Эгатларда эса жилдираб сув оқарди, ой шуъласида нур оқарди, эртанги эзгу ҳирмон — дур оқарди...

А. УЗОҚОВ.

ХУШХАБАРЛАР

Янгиқўрғонда очилган техникум мутахассис бағбонлар, сабзавоткор ва чорвадорлар тайёрлайди. Техникум учун бу ерда икки қаватли ётоқхона ва ошхона қурилди, спорт майдончаси очилди. Шу ўқув йилида янги қишлоқ хўжалик техникуми Наманган область мактабларидан 200 йигит ва қизни қабул қилади.

Ангрен мактабларининг ўқувчилари «гарам» операциясини ниҳоясига етказдилар. Улар дастлабки баҳор кунлариданоқ хашак тайёрловчи отрядлар тузиб, боғлар, даштлар, дала чеккалари, йўл ва каналлар бўйидаги ўтларни ўриб олдилар. Шаҳарнинг ёрдамчи хўжаликлари учун ўнлаб тонна беда тайёрланди.

Бахмал районида 3 та ўқув-ишлаб чиқариш комбинати ишга тушди. Мактаб ўқувчилари бу ерда 8 та қишлоқ хўжалик мутахассислигидан бирини ўзлаштира оладилар. Ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида шу ихтисосларни ўрганиш кабинетлари тузилди.

(ЎзТАГ).

КЎСАКЛАР КЎПАЙМОҚДА

Бригадир Е. Абдурасулов даласида қоровул алмашиши каби маросим бўлиб ўтди. Эрта тонгда сувчилар далани механизаторларга топширдилар. Ғўзага қатор оралаб ишлов беришни бошлашдан аввал улар бригалашиб далани кезиб чиқдилар, суғориш сифатини яхшилаб текшириб чиққанларидан кейингина далани қабул қилиш тўғрисидаги актга имзо чекдилар.

Бригадада ҳали бирор марта ҳам механизаторлар сувчилар ишини қабул қилишдан воз кечганлиги содир бўлгани йўқ. Бу ерда далалар юксак сифатли қилиб суғорилмоқда. Икки сменада меҳнат қилаётган сувчилардан Тўра Умаров ва Хушмурод Дўстмуродовлар норматн икки баравар ортиғи билан адо этмоқдалар. Улар далаларни кечаю-кундуз суғориб туришибди. У ёки бу сувчига биркитиб қўйилган ҳар бир участкада суғориш муддати белгиланган, иш сифатига баҳо қўйилган тахтачалар бор. Механизаторлар суғориш ва культивация қилиш орасида узилиш бўлишига йўл қўймаяптилар. Улар тупроқ нами кўтарилиши биланоқ қатор ораларига ишлов беришга киришадилар.

—Биз экинлар ҳолатидан мамнунмиз, —дейди бригадир Е. Абдурасулов. —Ҳар бир ғўза тупида ҳозирнинг ўзидаёқ беш-олтитадан кўсак пайдо бўлди. 60 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнер «оқ олтин» йиғиштириб олиш учун эса ғўза тупларида яна шунчадан кўсаклар ҳосил қилиш керак. Ҳозир далаларимизда ўз мусобақадошларимизнинг тажрибасини қўлламоқдамиз. Биз Сурхондарё областидаги Ленин йўли районн пахтакорлари билан мусобақалашганмиз. Улардан ўрнак олиб, биз ҳар литр сувни тежаб-тергаб сарфлашга ҳаракат қиляпмиз. Бунинг учун эса жўяклар узунлигини қисқартириб, экинларни жилдиратиб суғориш методидан фойдаланмоқдамиз.

ЎзТАГ мухбири.

С. Раҳимов номли совхоз, Қарши райони.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИНИНГ ШАХДАМ ОДИМЛАРИ

(Бошы биринчи бетда).

Пахта териш машиналари, дона	5030	103
Электр кранлари шу жумладан махсус кранлар, дона	700	101
Экскаваторлар, дона	776	100,4
Қоғоз, минг тонна	12,4	96
Картон, минг тонна	26,2	100,5
Йиғма—темир-бетон конструкциялар ва деталлар, минг куб метр буюм	2674	105
Шифер, миллион шартли плита	179,2	108
Қурилишбоп ғишт, миллион дона	859,5	101
Каноп тола, минг тонна	15,8	99,7
Пайпоқлар, миллион жуфт	24,6	103
Ички трикотаж, миллион дона	16,8	101
Устки трикотаж, миллион дона	9,1	98
Чарм пойабзал, миллион жуфт	15,8	102
Гўшт (саноат қўламида тайёрланган), минг тонна	104,4	108
Колбаса маҳсулотлари, минг тонна	27,8	103
Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари сутга айлантириб ҳисоблаганда, минг тонна	270,6	107
Мол ёғи, минг тонна	6,6	102
Усимлик мойи, минг тонна	229,2	91
Кондитер маҳсулотлари, минг тонна	87,9	102
Консервалар, миллион шартли банка	145,2	103
Рўзғор холодильниклари, минг дона	51,9	105
Чинни фаянс идиш, миллион дона	37,1	95

Қўмир қазиб чиқариш, куч трансформаторлари, йиғирув машиналари, тракторлар, пахта териш машиналари, шифер, дераза ойнаси тайёрлаш, ип газлама ва шойи газлама, пайпоқ тўқиш, чарм пойабзал, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари (сутга айлантириб ҳисоблаганда), консерва тайёрлаш юзасидан биринчи ярим йиллик плани ошириб бажарилди.

Саноат айрим тармоқлари ишининг техника-иқтисодий кўрсаткичлари ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати яхшиланди. Олий сифат категориясидаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1981 йилнинг 1 ярмига нисбатан 11,6 процент кўпайди.

Шу билан бирга айрим ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, фойда олиш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, товар маҳсулот таннархини арзонлаштириш, керакли хилдаги ва тегишли сифатдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган топшириқларни бажара олмади. Янгидан ишга туширилган айрим қувватлар суст ўзлаштириб борилди ва улардан тўла-тўкис фойдаланилмади.

Пўлат, дизеллар, экскаваторлар, синтетик аммиак, сульфат кислота, қурилишбоп ғишт тайёрлаш, гилам ва поёндозлар тўқиш плани бажарилмади.

Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида фан-техника программаларини амалга ошириш ҳамда фан-техника ютуқларини жорий этиш давом эттирилди. Янги прогрессив технологик жараёнлар ўзлаштириб борилди, ишлаб чиқариш комплекс механизациялаштирилди ва автоматлаштирилди. Ишлаб чиқаришда 30 миттага яқин ихтиро ва рационализаторлик таклифидан фойдаланилди.

II.
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Республика колхозлари, совхозлари ва бошқа давлат хўжаликлари кўкламги экиш планини бажардилар. Ҳамма категориядаги хўжаликларда 1982 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинлари **экилган майдонлар** дастлабки маълумотларга кўра 4,1 миллион гектарни ташкил этди, шу жумладан сугорма ерларда 3,3 миллион гектар бўлди. Ўтган йилга нисбатан пахта, шоли, дон учун маккажўхори, картошка, сабзавот, полиз экинлари, озуқа экинлари майдони кенгайди. Ҳамма колхоз ва совхозларда ғўзани парваришлаш, пичан ўриш ва ем-хашак тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда. Ғаллакор колхозлар ва давлат хўжаликлари бошоқли дон экинларини ўриб-йиғиб олишни ниҳоясига етказмоқдалар.

Колхозлар, совхозлар ва хўжаликлараро корхоналарда маҳсулдор **чорва моллар ва паррандалар** сони қуйидагича бўлди: (минг бош)

	1 июлгача 1981 йил	1982 йил	1981 йилга нисбатан 1982 йилда процент ҳисобида
Қорамол	1591,2	1649,9	103
Шу жумладан сигирлар	423,1	433,4	102
Чўчқалар	461,4	518,1	112
Қўй ва эчкилар	7605,4	7735,1	102
Парранда	24584,9	25676,5	104

1982 йилнинг биринчи ярмида колхозлар, совхозлар, ва хўжаликлараро корхоналарда гўшт етиштириш ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан 10 процент, сут — 6 процент ва тухум — 10 процент кўпайди.

Ҳамма категориядаги хўжаликларда **чорвачилик маҳсулотларининг давлат хариди қуйидагича бўлди:**

	йилнинг биринчи ярми 1981 йил	1982 йил
Чорва мол ва парранда (тирик вазнда), минг тонна	170,3	185,0
Сут, минг тонна	415,6	440,9
Тухум, миллион дона	555,5	616,1

Қорақалпоғистон АССР ва қарийб ҳамма областлар пилла харид қилиш йиллик плани ҳамда қабул қилинган социалистик мажбуриятларини ошириб бажарди. Қоракўл тери харид қилиш йиллик плани ҳамда чорва мол ва парранда, сут, тухум, жун харид қилиш ярим йиллик плани ошириб бажарилди.

Давлат ва колхозларнинг бутун иш комплекси бўйича **қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга сарфлаган капитал маблағлари** 1210 миллион сўмни ташкил қилди, шу маблағларнинг ярмидан кўпроғи ирригация-мелиорация қурилишига ва мелиорация қилинган ерларни ўзлаштиришга сарфланди.

Қишлоқ хўжалигига 3209 юк автомобили, 6702 трактор, 1074 галла ўрадиган комбайн, 691 силос йиғиштирадиган комбайн, 5142 трактор плуги, 6027 культиватор, 5600 трактор сеялкаси, 2095 косилка, 1010 пресс подборщик ва бошқа кўп машина-механизмлар **етказиб берилди.**

Қишлоқ хўжалиги (юз процент озуқа моддага айлантириб ҳисоблаганда) 750 минг тонна ёки 1981 йилнинг биринчи ярмига нисбатан 31 минг тонна кўп минерал ўғит, 0,6 минг тонна химиявий озуқа қўшимча моддалари олди.

СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган ва КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми маъқуллаган Озиқ-овқат программаси топшириқларини амалга ошириш борасидаги ишлар авж олдириб юборилди.

III.
ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Ўрта Осиё темир йўли ва унинг Ўзбекистон территориясида жойлашган бўлимлари халқ хўжалик юкларини жўнатиш ярим йиллик планини бажарди. Шу билан бирга юк обороти плани умуман темир йўл бўйича ҳам, шунингдек унинг Ўзбекистон территориясида жойлашган бўлимлари бўйича ҳам бажарилмади. Юк вагонларининг оборот планга нисбатан секинлашди, юк вагони ва локомотивнинг ўртача суткалик иш унуми пасайиб кетди, битта юк операцияси вақтида вагонларнинг нормадан ташқари бекор туришига йўл қўйилди.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти юк обороти, пассажир обороти, юк ташиш ва пассажир ташиш ҳамда енгил таксомоторларнинг пулли қатнови ярим йиллик планини бажарди. 1981 йилнинг биринчи ярмига нисбатан юк ташиш 5 процент, пассажир обороти 7 процент, пассажир ташиш, юк обороти ва енгил таксомоторларнинг пулли қатнови 6 процентдан ортди. Шу билан бирга автомобиль транспортининг ремонтда ва ремонтни кутишда нормадан ташқари бекор туриб қолишига аввалдагидек йўл қўйилди.

Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармаси пассажир обороти, пассажир ва юк (шу жумладан почта) ташиш ярим йиллик планини бажарди. 1981 йилнинг биринчи ярмига нисбатан пассажир ташиш 1,5 процент, юк (шу жумладан почта) ташиш 9 процент кўпайди. Пассажир обороти бир мунча пасайди. Қишлоқ хўжалигида 2,7 миллион гектар майдонда ёки 1981 йил январь, июнь ойлари даражасига нисбатан 11 процент кўп майдонда авиациявий химия ишлари ўтказилди.

Алоқа корхоналари (почта, телеграф, телефон, радио) алоқа маҳсулотларининг умумий ҳажми юзасидан ярим йиллик плани бажарди, у 1981 йилнинг шу даврдагига нисбатан 11 процент кўпайди.

IV.
КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

1982 йилнинг биринчи ярмида давлат маблағлари ҳисобига 1,5 миллиард сўмлик **асосий фондлар** ишга солинди.

Янги қурилишлар, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш ва реконструкция қилиш ҳисобига республикада турли кучланишдаги электр линиялари, кучланишни пасайтирувчи трансформатор подстанциялари, нефть омборлари, карбоксиметилцеллюлоза ва акрекс ишлаб чиқарадиган қувватлар ишга туширилди, шаҳар автомат телефон станциялари, қаттиқ қоплама қопланган автомобиль йўллари ва бошқа иншоотлар фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ хўжалигида давлат маблағлари ҳисобига 43 минг гектар суғориладиган янги ерлар ишга солинди, юз минг гектар яйловга сув чиқарилди, 32 минг гектар майдондаги мавжуд суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, 33 минг гектар майдондаги мавжуд суғориладиган ерлар яхшилаб текисланди, 32 минг гектар майдондаги суғориш системалари бошқатдан тузилди ва уларнинг сув билан таъминланиши оширилди ҳамда илгари сув чиқарилган 403 минг гектар яйловдаги сувхўжалик иншоотлари реконструкция қилинди.

Қорамол, чўчқа, қўй ва парранда боқиладиган чорвачилик бинолари қурилди.

Республика халқ хўжалигига сарфланган давлат **капитал маблағлари** 2,3 миллиард сўм ёки 1981 йилнинг биринчи ярмига нисбатан 2 процент кўп бўлди.

Республиканинг давлат қурилиш-монтаж ташкилотлари буюртмачиларга топширадиган корхона ва объектлар бўйича товар қурилиш маҳсулоти ҳажми 783,5 миллион сўмлик ёки ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан 72,0 миллион сўмлик кўп бўлди. Пудрат ишлари ҳажми 5 процент ошди. **Қурилишда меҳнат унумдорлиги** давлат ташкилотларида 1981 йилнинг январь-июнига нисбатан 1,8 процент кўпайди.

Умуман республикадаги давлат ташкилотларида қурилиш монтаж ишлари таннархи арзонлашди. Прогрессив технологияни ва қурилишни ташкил этишнинг янги методларини жорий этиш, самарали конструкция ва материалларни ишлатиш давом эттирилди.

Шу билан бирга асосий фондлар ва бир қанча ишлаб чиқариш қувватларини ишга солиш плани бажарилмади. Айрим пудрат қурилиш-монтаж ташкилотлари товар-қурилиш маҳсулоти ва пудрати ишлари ҳажми, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлар таннархини арзонлаштириш ва фойда олиш юзасидан план топшириқлари бажарилишини таъминлай олмади.

V.
ХАЛҚНИНГ МОДДИЙ ВА МАДАНИЙ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ

Республика халқ хўжалигида **ишчи ва хизматчиларнинг сони** 1982 йилнинг биринчи ярмида 1981 йилнинг шу даврига нисбатан 4 процент кўпайди.

Ишчи ва хизматчиларнинг пул билан оладиган ўртача иш ҳақи 156 сўмни ташкил этди.

Колхозчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш кўпайди.

Ижтимоий истеъмол фондларидан аҳоли олган **тўлов ва имтиёзлар** 1982 йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,3 процент ошди. Ана шуларни ҳисобга олганда ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи ижтимоий истеъмол фондларидан берилган тўлов ва имтиёзларни қўшганда 231 сўмни ташкил этди.

Омонат кассаларига қўйилган пул ярим йил ичида 3,3 процент ошди.

Давлат ва кооператив савдоси, шу жумладан умумий овқатланишнинг **чакана товар оборот умумий ҳажми** 5,8 миллиард сўмни ташкил этди ва 1981 йилнинг биринчи ярмига нисбатан 5 процент кўпайди. Товар оборот ошгани ҳолда аҳолининг айрим озиқ-овқат ва саноат молларига ортиб бораётган талаб ва эҳтиёжлари ҳали тўлиқ қондирилгани йўқ.

Республика аҳолисига кўрсатилган **маиший хизмат ҳажми** ярим йиллик плани бажарилди. 1981 йилнинг шу даврига нисбатан умуман республикада, шунингдек қишлоқ хўжалигида маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 10 процент ошди.

Давлат маблағлари, кооператив корхоналар ва ташкилотлар (шу жумладан уй-жой қуриш кооперативлари) ҳамда колхозларнинг маблағлари ҳисобидан **жами (фойдали) саҳни 1630 минг квадрат метрли 26 мингта янги шинам квартиралар фойдаланишга топширилди.** Умумий таълим мактаблари, мактабгача тарбия муассасалари, касалхоналар, амбулатория поликлиника-муассасалари ва бошқа бир қанча маданий-маиший объектлар ишга туширилди.

Аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишлари бажарилди. 1982 йилнинг биринчи ярмида газалаштирилган квартиралар **сони** 34,1 мингта, шу жумладан қишлоқ жойларда 17,8 мингта кўпайди.

6187,2 минг киши **таълимнинг** ҳар хил турларига жалб этилди, улардан 4148,4 минг киши умумий таълим мактабларида, 188,1 минг киши ўрта ҳунар-техника билим юртларида, 244,3 минг киши ўрта махсус ўқув юртларида, 285,2 минг киши олий ўқув юртларида ўқиди. 368 мингдан кўпроқ йигит ва қиз ўрта (умумий ва махсус) маълумот олди, шулардан 60 мингдан кўпроқ киши ўрта ўқув юртларини ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда тугаллади.

Халқ хўжалигига 116 мингдан зиёд мутахассис, шу жумладан олий маълумотли 46 мингдан кўпроқ киши ва ўрта махсус маълумотли 70 минг киши юборилди.

Касалхона муассасалари ва санаториялардаги ўринлар, пансионат, дам олиш уйлари ва базаларидаги, туристик базалардаги ўринлар сони кўпайди.

1982 йил 1 июлда Ўзбекистон ССР **аҳолисининг** сони 16,8 миллион кишига етди.

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси

ДЕПУТАТЛАР ИШТИРОКИДА

Пешку районидаги янги «СССР 60 йиллиги» совхозининг экин майдони икки юз гектар кўпайди. Энди бу ерда озуқабоп экинлар майдони етти юз гектардан кўпроқни ташкил этади. Бу ихтисослашган хўжалик район Совети депутатларининг таклифига мувофиқ «Пешку» давлат наслчилик заводининг негизида барпо этилган эди. Энди бу хўжалик райондаги колхоз ва совхозларга наслдор танача, сигирларнигина эмас, шу билан бирга қиймати юқори озуқабоп экинларнинг уруғлигини ҳам етказиб берадиган бўлади.

Халқ вакиллари КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленумининг қарорларини бажара бориб Озиқ-овқат программасини амалга ошириш соҳасида кўп иш қилмоқдалар. Янгибозор ва Занданий қишлоқ Советларининг депутатлари «Москва», «Ўзбекистон», Жданов номли колхозларнинг чорвачилик фермаларидаги аҳволни район Советининг депутатлари билан биргаликда ҳар томонлама ўрганиб чиқдилар. Депутатларнинг тавсияларига мувофиқ бу хўжаликларда см-хашак тайёрлайдиган, сабзавотчилик ва боғдорчиликка ихтисослашган бригадалар пайдо бўлди.

Янгибозор қишлоқ Советининг депутатлари «Ўзбекистон» колхозининг далачилик бригадалари қошида ёрдамчи хўжаликлар тузишга, чорва мол, парранда сотиб олишга кўмаклашдилар. Уларнинг илтимосига мувофиқ колхоз правлениеси ерларни текислаш, боғлар ва полизлар барпо этиш учун зарур машина-механизмларни ажратиб берди.

— Ҳозирги вақтда ўттиздан кўпроқ пахтачилик бригадаси ўзининг ёрдамчи хўжалигига — фермалари, боғлар, полизларга эга, — деди Пешку район ижроия комитетининг раиси М. Раҳмонов. — Улар ўзларининг гўшт, сут, сабзавот ва мевага бўлган талаб ва эҳтиёжларини шу йилнинг ўзидаёқ таъминлайдилар.

Депутатларнинг ҳисоблашларига кўра, шу йилнинг охирида бригадаларнинг ёрдамчи хўжаликларида 1500 бош қорамол, уч минг бош қўй ва эчки, 15 минг бош товуқ боқиладиган бўлади.

Пешку районидаги халқ вакиллари «Ҳар бир бригада, ҳар бир ҳовли ёрдамчи хўжаликка эга бўлсин», деган шиорни ўртага қўйиб, саботматонат билан ана шу мақсадга эришмоқдалар.

А. ФОЗИЛОВ.
ЎзТАГ мухбири.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ
ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

БИРЛАШГАН «ТИНЧЛИК» ЭНЕРГОСИСТЕМАСИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ

ПРАГА. Бирлашган «Тинчлик» энергосистемаси социалистик иқтисодий интеграция самараси бўлиб, ўзининг 20 йиллигини нишонламоқда. Ўтган йиллар мобайнида қардош давлатларнинг энергетика соҳасидаги ҳамкорлиги доим кенгайди. Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Руминия, СССР ва Чехословакия электр линияларини боғловчи бутун энергетика системасининг қуввати кўпайди.

Прагада жойлашган марказий диспетчерлик бошқармаси социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида электр қувватини тақсимлайди. Бу бошқарма энергия гоят кўп талаб этилган пайтларда ўзаро иқтисодий ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг электр қувватига бўлган эҳтиёжларини таъминлайди, Байкалдан тортиб ГДРнинг ғарбий чегарасигача, электр билан таъминлашни тартибга солади. Бирлашган «Тинчлик» энергосистемаси ташкил этилган биринчи йилда унинг қатнашчилари бир-бирларига 3 миллиард киловатт-соат электр энергия бергани бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг ўзаро етказиб бераётган энергияси ўн баравар кўпайди.

ИСРОИЛ АГРЕССИЯСИНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

БАЙРУТ. (ТАСС мухбири). Исроилнинг Ливанга бостириб кириши натижасида Ливан экономикаси жиддий тангликка дуч келди. Мамлакатда саноат сотиқ ва молия фаолияти деярли тамомила издан чиқди, қўшни араб мамлакатларга мол экспорт қилиш тўхтаб қолган. Байрутнинг жанубий қисмидаги саноат корхоналари катта зарар кўрди, бу корхоналарнинг бинолари тамомила вайрон бўлган, давлат хазинасига тушадиган даромадларнинг асосий манбаларидан бири бўлмиш Байрут халқаро аэропорти ёпилди. Байрут портида иш тўхтаб қолган, мамлакатнинг қуруқликдаги асосий магистрал йўли — Байрут-Дамашқ тош йўлидан юклар ташилмай қўйди. Ливанликлардан неча ўн мингдаб киши ишдан маҳрум бўлиб, ишсизлар қаторидан жой олди.

Ливан туризм министри М. Хамади исроилликларни республиканинг туристик индустриясини яксон этганликда ва шу билан Байрутнинг жанубий қисмидаги энг яхши меҳмонхоналарни вайрон қилишда айблади.

Бу ерда Ливаннинг ва чет мамлакатларнинг юзга яқин банки бор. Бу банкларнинг кўпчилиги ҳам ишламаётир. Исроилликлар босиб олинган районларда ўзларининг сайёр банкларини очмоқдалар. Исроилнинг моллари мамлакатнинг ишғол қилинган районлари ва пойтахтига кўп миқдорда келтирила бошланди. Экспертларнинг таъкидлаб ўтишича, Исроил ўзининг бутун инфляциясини Ливанга экспорт қилмоқда, Ливанда инфляция илгари йилига 30 процентдан ошмаган эди. Исроилнинг сайёр банклари Ливаннинг босиб олинган қисмидагина эмас, балки қўшинчилар бемалол кира оладиган мамлакатнинг шарқий районларида ҳам ишлаб турибди.

Ливан меҳнаткаштлари умумконфедерация сининг бош секретари Т. Абу Халил уруш экономикани тушкунликка олиб келди, бунинг социал оқибатлари ҳалокатга сабаб бўлиши мумкин, деди.

СУРБЕТЛАРЧА АРАЛАШМОҚДА

САН-ХОСЕ. Сальвадор қўзғолончиларининг «Фарабундо Марти» радиостанцияси қуйидагиларни хабар қилди: Қўшма Штатлар ватанпарвар кучларга қарши урушда фойдаланиш учун Сальвадордаги қўғирчоқ режимга кўп миқдорда напалм бомбаларини етказиб берди. Бу бомбалар пойтахтдаги «Илопанго» аэропортида Америка самолётларидан тушириб олинди. Шу тарихда, Вашингтон мамлакатимизнинг ички ишларига сурбетларча аралашишни тўхтатиш ниятида эмаслигини яна бир бор намойиш қилди.

Радиостанция ватанпарварларнинг жанг ҳаракатлари тўғрисида батафсил ахборот берди. Ватанпарварлар уч ҳафтадан буён Каррисаль ва Охос-Дель-Агуа аҳоли пунктларини ўз қўлларида сақлаб турибдилар. Улар Чалатенанго департаментида Эль-Койоларни ишғол қилдилар. Қўзғолончилар Тинч океан соҳили бўйлаб ўтган тош йўлнинг талайгина қисмини ва Сан-Висенте ҳамда Усулутан департаментларидаги бошқа бир қанча муҳим йўлларни назорат қилиб турибдилар.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ГАВАНА. Куба пойтахти ҳаётининг муҳим масалалари Гавана шаҳар вилояти халқ ҳокимияти ассамблеяси сессияси депутатларининг диққат марказида турибди. Ассамблея раиси Оскар Фернандес Мель ҳисобот доклади-да халқ ҳокимияти органлари шаҳарнинг турли проблемаларини ҳал этишда катта муваффақиятларга эришганлигини таъкидлади. Ҳозирги вақтда Гавана шаҳар аҳолиси 2 миллион кишига етиб қолди. Ассамблея раиси ҳозирги вақтда Совет Иттифоқининг кўмаги билан метро қурилиши учун қидирув-геология ишлари олиб борилаётганлигини хабар қилди. Шаҳар метроси жамоат транспорти проблемасини тўла ҳал қилиши керак бўлади.

МАДРИД. Ҳозир Испанияда врачлардан 20 минг дан кўп киши ишсиздир. Ҳукумат соғлиқни сақлаш системасини қайта ташкил этишга қаратилган шошилинч тадбирлар кўриши керак. Мамлакат ишсиз медикларнинг бу ерда эълон қилинган баёнотида шу ҳақда гапирилади.

Мутахассис врачлар ўз билимлари ва тажрибаларини амалда қўллаш имкониятини тополмаяптилар. Ваҳоланки, Испаниянинг кўплаб вилоятларида ва шаҳарларда аҳолиси малакали медицина ёрдамига гоят муҳтождир, деб таъкидланади баёнотда.

ДАМАШҚ. Қўшма Штатлар Тель-Авивга мунтазам равишда ёрдам бериб турмаганида Исроил агрессия сиёсатини ўтказа олмас ва территориал босқинчилик қилолмас эди. АҚШ Исроил агрессиясини қўллаб-қувватламоқда ва уни рағбатлантирмоқда. Сурия президенти Хафиз Асад бу ерга келган Америка конгресси аъзолари делегациясини қабул қилиб шу ҳақда гапирди.

Сурия президенти Қўшма Штатлар Яқин Шарқдаги тинчлик проблемасига бутун масъулият билан ёндошишларини талаб қилди. АҚШнинг БМТ хавфсизлик кенгашига аъзо эканлиги Америка маъмуриятини ана шунга мажбур этади, деди Хафиз Асад.

ҚАБИҲ РЕЖА

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). АҚШ президенти Америка қўшинларини Ливанга юборишга тайёр эканлигини айтганидан кейин Пентагон бундай операцияга амалий тайёргарлик кўра бошлади. Америка матбуотининг таъкидлаб ўтишича, Қўшма Штатларнинг ҳарбий маҳкамаси ана шу араб мамлакатига бостириб киришнинг батафсил режасини ишлаб чиққан.

«Нью-Йорк таймс» газетаси хабар беради: асосий вазифани бажариш «тез ҳаракат қиладиган кучлар» составидаги хаво-десант қисми зиммасига юкланган. «Тузиб қўйилган режаларга мувофиқ, зарурат туғилган тақдирда Форт-Брагг да (Шимолий Каролина штати) жойлашган 82-ҳаво-десант дивизиясининг икки батальони ҳаво йўли билан Яқин Шарққа юборилади. 800 кишидан иборат бу батальон Байрутнинг ўзига туширилади, бошқа батальон эса яқин жойда, эҳтимол Мисрда резервга қолдирилса керак», деб уқтириб ўтади «Нью-Йорк таймс» газетаси. Бундан ташқари, Италиянинг шимолий қисмидаги ҳарбий базада яна бир минг парашютчини жангга тайёр ҳолда сақлаш планлаштирилмоқда. Айни вақтда Американинг 1800 денгиз пиёда аскарлари тушган десант кемаларини Ливан соҳилларига юбориш мўлжалланган. Зарурат туғилган тақдирда улар биринчи буйруққа мувофиқ соҳилга туширила бошлайди.

Газеталарнинг ёзишича, операцияда «тартибсизликни бостириш», ва намойишларни тарқатиб юбориш методларини, партизанларга қарши уруш ҳаракатлари техникасини махсус ўрганиб олган қўшинлардан фойдаланиш планлаштирилмоқда. «Нью-Йорк таймс» газетасининг уқтириб ўтишича, АҚШ Ливанда фойдаланмоқчи бўлган қўшинларнинг умумий сони АҚШ президенти Р. Рейган тилга олган 800—1000 кишидан анча ошиб кетади ва камида 4,5 минг ҳарбий хизматчини ташкил этади.

БЕҲАЁЛИК БИЛАН ҚИЛИНГАН ИҒВОГАРЛИК

МАНАГУА. Гондурас территориясида АҚШ ва Гондурас қуролли кучларининг қўшма маневрлари бошланди. Американинг ҳарбий-транспорт самолётлари Гондурас қўшинларини, шунингдек кўп миқдорда қурол-яроғ ҳамда ҳарбий техникани Никарагуа билан чегарадош жойларга келтирмоқдалар. Рейган маъмурияти беҳаёлик билан бошлаб берган ана шу иғвогарлик революцион Никарагуа халқига қарши ёпирилиб қуролли агрессия бошлаш йўлида қўйилган навбатдаги қадамдир.

Никарагуа миллий тикланиш ҳукуматининг бу ерда тарқатилган баёнотида маневрларда қатнашувчи Америка самолётлари Лемпир порти районида — Гондурасда жойлашиб олган собиқ сомосачи жазо отрядларининг асосий базасига қўнаётганлигига алоҳида эътибор берилади.

АҚШ ва Гондурас ҳукуматларининг ҳаракатлари, дейилади ҳужжатда, уларнинг тинчликка интилмоқдамиз, деган гапларига тамомила зид бўлиб, Марказий Америкада кескинликни янада кучайтиришга олиб боради. Никарагуа ҳукумати ана шу маневрларга қарши қатъий норозилик билдиради.

(ТАСС).

ТОКИО. Парламент биноси ҳамда иқтисодий Федерация ва бошқа турли ташкилотлар олдида меҳнаткашларнинг атроф муҳитнинг ифлосланишига қарши норозилик митинглари, намойишлари бўлиб ўтмоқда.

Атроф муҳитнинг саноат чиқиндилари билан зарарланиши оқибатида ҳайвонот дунёси қирилиб кетмоқда. Энг ёмони кишиларнинг саломатлигига энён етказилмоқда. Маълумотларга қараганда, Японияда атроф-муҳитнинг зарарланиши туфайли турли касалликларга чалиниб, қурбон бўлганларнинг сони юз минг кишидан ошиб кетган.

СУРАТДА: намойишчилар колоннаси митинг бўладиган жойга йўл олмоқда.

Жапан пресс—ТАСС фотоси.

ҲАМШИРА ҚИЗ ЁЗАДИ...

МЕНГА НАВБАТ

Чашма

Боболарим бериб навбатни,
Хурлик олтин созин тутқазди.
Тарк этма деб, эзгу одатни,
Куйлагин деб, бахт-саодатни
Боболарим берди навбатни.
Бугун куйлаш навбати менга,
Ешлигимни, эрк, матлабимни,
Орзуларга ташна қалбимни
Ҳур ватаним, бахш этай сенга,
Бугун куйлаш навбати менга.
Куйлай дейман қўшиққа солиб,
Сут булоғинг, чаман боғларинг,
Зар тупроғинг, олтин тоғларинг,
Дўстларга кенг бағрингни очиб,
Нон-туз билан кутган чоғларинг—
Куйлай дейман қўшиққа солиб.
Мен боғингда бийрон қушчаман,
Қўшиғимга жўровоз бўлиб,
Куйлаётир дуркун майсалар.
Туйғуларим садосиз кулиб,
Шудрингларда юзни чайсалар—
Мен боғингда бийрон қушчаман...
Бугун қўшиқ куйлаяпман мен
Тош юраклар эриб кетсин деб,
Шодликлардан дўппилар эмас,
Яланг бошлар кўкка етсин деб!
Ёқа тутсин ҳайратдан ҳавас,
Бугун қўшиқ куйлаяпман мен!

Бугун муҳтарам чашмахонлар эътиборига шеърий машқлари ҳавола этилаётган Гулнора Саноева Пешку районининг Шавгон қишлоғидан. Ўзи туғилиб-ўсган қишлоқ табиати, фидойи кишилари меҳнати, орзу-ўйлари мурғак қалбига шеър ишқини солганига ҳам анча бўлди. У Бухоро меднцина билим юртини битириб, Пешку район марказий касалхонасида ҳамшира бўлиб ишлаяпти.

Шеърлари матбуотда чиқаётганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо ҳар бир машқи нимаси биландир ўқувчи қалбини «жиз» эттиради. Ҳаётга ўз кўзи, ижодкор нигоҳи билан қараш, унинг нозик томонларини илғаш, она Ватания улуғлаш, қишлоқлар чиройини мадҳ этиб, бадиий умумлашмалар чиқаришга интилиш Гулнора шеърларига хос хусусиятлардир. Биз беморлар дарддан халос бўлишлари йўлида баҳоли қудрат хизмат қилаётган Гулнора Саноевага ҳали устозлар бисотидан кўп ўқиб-ўрганиши, меҳнат қилиши лозимлигини уқтирган ҳолда сердаҳмат ва завқбахш ижод йўлида омад тилаймиз.

ҚЎШИҚ АЙТСАМ...

Дадагинам яктакчан-ей, хирмонини совурган,
Буғдойларнинг ҳуш ҳидига тўлиб кетган далада,
Евшанзорга туташган ҳув, чексизликда чарх урган—
Варрак эмас, бола қўли кўкка етган далада—
Чарх уриб мен қўшиқ айтсам, бутун борлиқ тингласин.
Қўшиғимда ўтмиш изи, келажакнинг суврати,
Қирғоқларда чаппар урган болаликнинг завқи бор.
Шаҳид ўтган шунқорларнинг садоқати—журъати,
Шамолларга кўксин очган йиловларнинг шавқи бор.
Чарх уриб мен қўшиқ айтсам, бутун борлиқ тингласин.
Қўшиғимда алласини қўмсаётган беланчак,
Орзуларнинг пишиб етган бошоқлари шовуллар.
Қарсиллатиб бармоқларин хамир қорган келинчак,
Сирли-сирли туйғуларинг қўшиғимда ловуллар.
Чарх уриб мен қўшиқ айтсам, бутун борлиқ тингласин.

ЧАҚМОҚ

Само кўксини тилмай, сен нома бўлгин чақмоқ,
Ёрнинг нозик хаёли—нишона бўлгин чақмоқ.
Бугун шундай буюкман ўз-ўзимга сиғмасман,
Бахтим қасрида мангу нақшона бўлгин чақмоқ.
Қўлда умид кўчати —гул ўтқазай қаторлаб,
Ёр ўтса шу гулзордан, рахшона бўлгин чақмоқ.
Дарди-дилим давосин билмас экан табиблар,
Жароҳатим даволаб лўқмона бўлгин чақмоқ.
Жарангдор коса узра гулоб бўлсанг, ичайин,
Е бир умр мен каби девона бўлгин чақмоқ.
Етар жабру жафолар ёр васлини ёд этмак,
Тақиб юрай кўксимга, ёднома бўлгин чақмоқ.

Гулнора САНОЕВА.

ТАСВИРЛАРДА ШАҲАР КЎРКИ

ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Тошкент XX аср бошларида маданияти анча ривожланган шаҳарлардан бири сифатида танилди. Князь Н. К. Романовнинг ноёб ҳайкалтарошлик, рассомчилик галереяси, Тошкентда биринчи марта пайдо бўлган грек ҳайкалтароши Т. Соларининг «Атлант» ҳайкали (1874 йилда яратилган) ва бирин-кетин очилган кўргазмалар фикримизнинг далили бўла олади.

Худди ўша пайтларда Тошкентга ташриф буюрган истеъдодли рассомларга шаҳар қиёфаси, маданий ёдгорликлари, сўлим табиати, айниқса, гавжум кўчалари-ю, серфайз чойхоналари беҳад манзур бўлган эди.

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида шундай рассомлар ижодларидан айрим намуналар намойиш қилинаяпти. Тасвирий санъат залларига қўйилган рангбаранг мавзудаги асарлар томошабинларда яхши таассурот қолдирмоқда.

1892 йилда Тошкентга келган рассом Р. К. Зоммер шу йилнинг ўзида қисқа вақт ичида бир қатор реал манзарали асарлар яратди. Унинг ижодий ишларида Тошкент қиёфаси фақат мой бўёқларда жонланди. «Тошкентдаги қабристон», «Тошкентдаги мачит», «Беглар беги мадрасаси олдидаги мачит» асарларида меъморчилик санъатимиз, нақшларнинг нафислиги, биноларнинг кўркам ва салобатлилиги акс эттирилган. «Чойхона» деб номланган асарда миллий кийимли кишилар гуруҳи, халқимизнинг файзга тўлган севимли чойхонаси соя-салқин жойлардан бирида ифода этилган. Рассом асарлари яратилганига 90 йил бўлибдики, ҳануз унинг кўрки, сифати ўзгармаган. Яқиндагина рассом ижодхонасидан йўлланма олгандек намойиш этилаётир.

1904 йилда Н. И. Гречанинов «Тошкентнинг манзараси» асарида айни ёз пайтидаги сўлим, сершох дарахтларни тасвирлайди. Беғубор осмон кўринишлари ҳам маҳорат билан талқин этилган.

1907 йилда Тошкент рассомлик мактабига чақирилган И. С. Казаков ўқитувчилик қилиш билан бир қаторда шаҳар манзараларидан илҳомланиб, бир неча асарлар яратди. Унинг «Шайҳонтовур» (1922) асарида мадрасани узоқроқдан тасвирланганлигини кўрамиз. У анча баландликда ўз савлати, ғўзаллигини кўз-кўз қилаётгандек акс эттирилган. «Тошкент этюди» эса қиёмига етмаган. У Тошкент ҳақида яратмоқчи бўлган асарларига қоралама, заминдир. Аммо «Тошкентдаги чойхона» (1923 й) асари орқали рассом шаҳарга меҳри чексиз эканлигини изҳор этади. Айниқса, чойхўрларнинг яхши кайфиятда ўтирганликлари тасвири томошабинда завқ-шавқ уйғотади. Зарҳал, қизил, кўк ранглар уйғунлигида «Тошкентдаги чойхона» картинаси катта маҳорат билан ниҳоясига етказилган.

Иван Сергеевич Казаков «Тошкент ҳовлиси» деб номланган асарида ўзи дарс берган рассомлик мактабини акс эттирган. Картинада талқин этилишича ям-яшил дарахт, анвойи гуллар бино кўркигакўрк қўшган. Ҳамон Тошкентимиз ҳуснига-ҳуси қўшиб тирган бу ҳашаматли бинода эндиликда Ўзбекистон ССР Дўстлик жамияти жойлашган.

Тошкентда яшаган манзарачи рассомлардан М. Е. Новиковнинг 1924 йилда дунёга келган ижодий иши «Тошкентнинг эски кўчасида» деб номланган. Тасвирда тор кўча, унинг икки томонида бир-бирлари билан туташ турар-жой бинолари кўзга ташланади.

Кейинчалик республикамиз рассомларидан СССР халқ рассоми Ўрол Тансиқбоев Тошкент ҳаёти ва табиатидан илҳомланиб, бир қанча асарлар яратган. Тошкент туркумига кирган асарларидан бири «Салорда баҳор» манзараси (1935) намойиш этилаётир. Асар анча ихчам бўлишидан қатъий назар, «Минг ўрик» тепалигида жойлашган айрим эски ўйлар, от, арава, анҳор бўйида дам олаётган одамлар, ям-яшил ўтлоқлар жуда ҳаётий акс эттирилган. Биринчи миллий рассомларимиздан Ҳ. Рахимовнинг «Тошкент кўчаси», Б. Ҳамдамийнинг «Севимли қўшиқ» асларида Тошкент қиёфаси, патефонда севимли қўшиқларини тинглаб ўтирган тошкентликлар тасвирланган.

Биз Тошкентнинг 2000 йиллиги арафасида мазкур санага бағишлаб музей залларида намойиш этилаётган айрим асарлар ҳақидагина ҳикоя қилдик, холос. Республикамиз рассомлари ижодида Тошкент тасвирлари кўплаб яратилган ва яратилмоқда.

М. АҲМЕДОВ,
ЎзССР Давлат санъат музейининг катта илмий ходими.

Элга хизмат —олий ҳиммат. Ана шу шиор остида меҳнат қилаётган Қўқон бадиий буюмлар фабрикаси ишчиси, комсомол аъзоси Оқибатхон Қорабоева ўзаро мусобақада пешқадамлик қилмоқда. У ҳозир 1965 йил ҳисобига ишлаяпти.

Т. Ҳамроқулов фотоси.

УЛУҒ ОЛИМГА ҲАЙКАЛ

Намангандаги «Пахталиқўл» республика санаторийсида ҳар йили кўплаб кишилар ўз соғлиқларини мустаҳкамлашади.

Бу ерда уларга малакали медицина ходимлари хизмат кўрсатишмоқда. Яқинда санаторийда медицина илмининг буюк султони Абу Али ибн Синонинг ҳайкали қад ростлади. Унинг очилишида ҳозир бўлганлар ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйишди.

И. КЕНЖАЕВ.

СПОРТ

ЎЛМАСОВАНИНГ ЖАҲОН РЕКОРДИ

КИЕВ. (ТАСС). Светлана Ўлмасова енгил атлетика бўйича СССР чемпионатида 3000 метр масофага югуришда янги жаҳон рекорди қўйди. 1978 йилги чемпионатнинг чемпиони андижонлик спортчи қиз масофани 8 минут 26,78 секунда босиб ўтди. Ўлмасова югуриш бўйича энг «кекса» Бутуниттифоқ ва жаҳон ютугини яхшилади. Олдинги рекорд (8 минут 27,12 секунд) Людмила Брагина томонидан 1976 йил ўрнатилган эди.

ЧИНИҚИШ МАКТАБИ

Кейинги йилларда партия ва ҳукуматимиз мустаҳкам соғлиқ гарови бўлган физкультура ва спортга алоҳида эътибор бермоқда. Бу борада қабул қилинаётган қатор қарорлар фикримизнинг далилидир. Тошкент область Ғалаба районидаги Энгельс номли колхозда ҳам физкультура ишлари тобора яхши йўлга қўйиляпти. Бу ерда жисмоний тарбия жонкуярлари ҳақида гап кетгудек бўлса, жўжалик аъзолари В. Югай номини ҳурмат билан тилга олишади. Чунки у саккиз йиллик инструкторлик фаолияти давомида ёшлар қалбига йўл топа олиши билан ажралиб турди.

Шуниси эътиборга лойиқки, колхоз правлениеси, партия ташкилоти ёш авлодни жисмоний ва ахлоқий мустаҳкам қилиб тарбиялашни асосий вазифалардан бири деб билишади. Шунинг учун физкультурани янада оммавийлаштириш учун конкрет ишлар олиб борилмоқда. Ҳўжаликда волейбол, баскетбол, эркин кураш, стол тенниси, шахмат-шашка ва бошқа қатор турлар бўйича секциялар мунтазам ишлаб турибди. Бундан ташқари мусобақалар дала шийпонларида ҳам ўтказилади.

Маълумки, мустаҳкам спорт базасисиз спортда катта муваффақиятларга эришиб бўлмайди. Буни яхши тушунган хўжалик раҳбарлари иншоотлар сонини кўпайтиришга алоҳида аҳамият беришяпти. Айни пайтда 25 метрли сузиш бассейнини шу йил фойдаланишга топшириш учун қизғин иш кетмоқда.

Хўжаликда қурашни севадиган ёшлар талайгина. Улар ўз навбатида кимлардан ўрнак олиши яхши билишади. Чунончи, Амирбеков, Одилбеков каби полвонлар район миқёсида ўтказилган биринчиликларда ўзларини кўрсатиб, бир неча бор голиб чиқишган.

Б. АЛИЕВА.

НИҲОЯТ ҒАЛАБА

Куни кеча бўлиб ўтган 22-тур учрашувлари билан мамлакат чемпионатининг биринчи лига коллективлари биринчи даврани якунладилар.

Маълумки, биринчи лига мусобақаларида республикамиз шарафини Жиззахнинг «Звезда» командаси ҳимоя қилмоқда. Аммо жиззахлик футболчилар чемпионат учрашувларини бир маромда ўтказмай, ишончни оқлаяптилар. Улар кўп учрашувларни бой бериб қўйишаётганлиги, ўйинлар жадвалининг қуйи поғонасидан ўрин олиб, «хавфли» зонада боришаётганлиги бунинг далилидир. «Звезда» ўйинчилари фақат биринчи даврининг сўнгги учрашувинигина кўнгилли ўтказишиб, унда йирик ҳисоб билан зафар нашидасини суришди. Ригининг «Даугава» командаси билан бўлиб ўтган бу беллашувда жиззахликлар меҳмонлар дарвозасини беш марта аниқ нишонга олиб, ўз дарвозаларидан иккита тўп ўтказиб юборишди.

Қолган учрашувлар шундай натижаларни берди: «Помир» —«Жалғирис» —2:1, «Колос» —«Гурия» — 3:0, «Таврия» —«Динамо» —4:0, СКА (Одесса) —«Шинник» —1:1, «Заря» —«Ротор»— 3:0, СКА (Киев) —«Факел» —1:0, СКА (Хабаровск) — «Спартак» —0:0, «Металлург» —СКА (Ростов) — 3:2.

* * *

Мамлакат чемпионатининг олий лигасида бир учрашув бўлиб ўтди. Унда Москва ва Киев динамочилари ўзаро куч синашдилар. Қизғин ўтган бу учрашувда москвалик динамочиларнинг омади келди. Улар рақибларини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

БИЛЛУР СОВРИН БАҲСИ

Чим хоккей бўйича хотин-қиз командалари ўртасида СССР кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.

Кубок баҳсларида қатнашган «Андижанка» хоккейчи қизлари ярим финалда «Колос» (Борисполь) коллективи билан учрашиб, 0:1 ҳисобида ютқазиб қўйишди. Натижада СКИФ (Москва) ва «Колос» командалари финалда ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Унда СКИФ хоккейчиларининг омади келди. Улар «Колос» дарвозасини уч марта аниқ нишонга олиб, СССР кубоги соҳиби бўлдилар.

ЁШЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ ЎЙИНЛАРИДА

ВЕЛОПОЙГА

Москвадаги «Крилатское» спорт комплексида эркаклар ўртасида 188,7 километр масофага бўлиб ўтган пойга республикамиз вакили С. Воронининг ғалабаси билан нихояланди. У бу масофани тўрт соат 27 минут 30 секундда босиб ўтиб, маррага биринчи бўлиб етиб келди.

ҚЎЛ ТЎПИ

Биринчи — саккизинчи ўринлар учун бўлган мусобақаларда республикамиз қизлари москвалик дугоналари билан учрашиб, уларни 31:21 ҳисобида мағлубиятга учратишди. РСФСР вакиллари билан учрашган йигитларимиз эса 19:38 ҳисобида ютқазиб қўйишди.

ОҒИР АТЛЕТИКА

Республикамиз полвонлари спортнинг бу тури бўйича бўлган мусобақаларни қувончли ўтказяптилар. Масалан, 75 килограммгача бўлган вазнда фарғоналик А. Семёнов 345 килограмм натижа кўрсатиб, биринчи ўринни эгаллади.

82,5 килограммгача бўлган вазнда республикамиз вакили Н. Мухаммадёров иккинчи ўринни олиб, кумуш медалга сазовор бўлди. У 365 килограмм натижа кўрсатди.

Редактор И. СУЛАЙМОНОВ.

ФАХР

Ёз ойларидан бири эди. Ўша кунлар менинг кўз олдимда ҳар бир оддий нарса ҳам гўзал туса кирганди. Балки бу орзуимга етганимданмикин. Ҳунар-техника билим юртига ҳужжатларимни топширдим.

Орзу йўлида дастлабки парвозни бошладим.

Кечқурун оила жамулжам бўлганда мени бирмабир табриклашди. Шу куни ҳунар ҳақида қизиқарли суҳбат кетди. Билим юртига кирган мен-ку, бобом мендан кўра кўпроқ хурсанд, қаяжонда эдилар.

— Қизиқ, — дедилар бобом бош тебратиб.

— Нима қизиқ, бува?— ҳайрон бўлиб сўрадим мен.

— Ҳунар мактабларингда, ҳам ҳунар ўргатса, ҳам кийим-бош, овқатлар текин бўлса. Ҳўп ажойиб замонлар бўляпти-да, бўтам. Қани, шу замонлар менинг ёшлигимда бўлгандами, минг хил ҳунар ўрганардим. Сенинг бахтинг бор экан, яна ўқиб, ҳунар ўрганиш муддати икки йил-а. Бизнинг ёшлик чоғларимизда ҳунар ўрганиш қийин эди. Очиғи, камбағалнинг болаларига чунонам қийин эди. Бор-ю, камбағалнинг боласи бирор устага шогирд тушиб қолса борми, етти йил, ҳатто ўн йил устанинг кетидан юрарди.

— Вой бў, бува, одамнинг умри шу билан ўтиб кетарканда?» — сўрадим ажабланиб.

— Ҳа, нимасини айтасан?

Бобом шундай дедиларда, нималарнидир ўйлаб қолиб, кейин гап бошладилар:

— Бўйим чўзилиб қолган пайтлар эди. Отам қўлимдан етаклаб кулолчиликда ном чиқарган уста ҳузурига олиб бордилар. Отамнинг айтишича, Йўллошбой уста илгари эл қатори оддий ҳаёт кечираётган одам бўлиб, кейинчалик ҳунари орқасидан бойиган, усталикда ном чиқаргач, димоғи кўтарилиб кетганлардан бири эди. Ҳузурига бордик. Гул чизиб ўтирган экан. Отам иккимиз салом бердик. У бизга кўз қирини ташлаб қўйди-да, бош тебратиб, ишини давом эттираверди. Унинг нималандир энсаси қотиб тургани яққол сезиларди. Устанинг ҳаёлини бўлмаслик мақсадида унинг ишини сўзсиз кузатиб турдик.

Уста орадан бир оз вақт, ўтгач, бизга «келинглар» дегандек ишора қилди.

— Уста, ўғлимизнинг бўйи чўзилиб қолди,— тушинтира кетди отам. — Бирор ҳунар эгаси бўлсин деб, сизга олиб келдим. Бошқалар қатори ўз ҳунарингизни бунга ҳам ўргатинг. Худо хайрингизни берсин!

— Мулла Ҳаким, — деди уста носини ташлаб оғзини артаркан,— ўзинг жўжабирдек жонсан. Топганингни ўғлингнинг ҳунар ўрганишига сарфлайсанми ёки болаларингни боқасанми, менинг ҳам рўзғорим, тириқчилигим бор. Менга ҳам ақча керак.

Уста бу сўзларни ҳеч бир тортинмай айтарди.

— Сизни роҳи қилиб турамиз, уста,— деди отам маюслик билан. — Бу ёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин. Зеҳни ўткир, сизни кўп қийнамайди. Шундай бўлса ҳам, эти сизники, суяги бизники. Ҳунарли бўлиб қолсин. Умрингиздан барака топинг! Йўқ деманг, уста.

Устанинг рангсиз юзларида ўйчанлик пайдо бўлди. Қуюқ қошларини чимириб турib, гулларига разм солди. Дарров дастурхон ёзиб, чой-нон қўйди. Сўнг қаршимда чўққайиб ўтириб олиб, хижолатомуз гапира бошлади.

— Шу... уйда бир сигиримиз бор-да. Укаларингиз ёш, менга аёл бошим билан сигир боқиш... албатта ноқулай. Сигиримиз ҳам уйда ётавериб, сиқилиб кетди. Мазаси қочиб, сути камайиб қолди. Ҳар келганингизда сигирни бир-бир сайр қилдириб келсангиз ёмон бўлмасди. Сутини ҳам ичиб турасиз. Жуда зериксангиз, ёнига тўртта қўй қўшиб берамиз.

Бир оздан сўнг келинойимиз дастурхонни йиғиштириб олиш учун юзига фотиҳа тортди-да, лип этиб турib, сигир ётган ерни кўрсатди. Шу кундан бошлаб мол боқа бошладим. Ҳар куни уста ҳузурига келганимда, ишига разм солиб тураман. Лекин уста мени тинч қўймас, албатта, қандайдир бошқа ишга чалғитарди. Сўнг уйга жўнатиб, дастёрлик қилдирарди.

Ойлар ойларни қувиб, йиллар ўтди. Лекин устанинг иш ўргатишидан ҳамон дарак йўқ. Орадан уч йил ўтди. Ўзгариш бўлмади. Ноилож аҳволимни отамга билдиришга қарор қилдим.

Отам гапимни эшитиб, сапчиб турib кетди.

— Ё тавба, наҳотки, уч йил юриб, ҳеч нарса ўрганолмаган бўлсанг! Наҳотки, шунча умринг бекор ўтган бўлса?!

Отам шундай деди-ю, уйни гир айланиб ниманидир ўйлаб кетди. Мен айтганимга пушаймон бўлдим.

— Илонинг ёғини ялаган одам экан уста,— пичирлади ўзича отам.— Мен унга ҳар ойда ҳақ тўлаб ўтирибман-а.

Уйимиздагилар мени устанинг ихтиёридан қайтариб олишди. Этикдўзга шогирд тушдим. У кулолчи устадек сержаҳл уста эмас, мулойимгина, очиқ чеҳрали, ширин сўз одам эди.

— Ўргатамиз, ўргатамиз, — деди этикдўз уста отамни юпатиб. Лекин кўп ўтмай, унинг ҳам риёкорлиги маълум бўлиб қолди. Уйида дастёрлик қилдим. Боласини қўлдан қўймай кўтариб юрдим. Ниҳоят, уста гапсўзлан қўрқиб, уч йил деганда ҳунарни ўргата бошлади. Беш йилда мен мустақил ишлайдиган бўлиб қолдим. Этикдўзникида саккиз йил, кулолникида уч йилдан ортиқ хизмат қилдим. Ҳа, гулдек ёшлигим надомат билан хизматкорликда ўтган, бўталогим!»

Ҳикоя тинглаб ўтирар эканман, бобомга секингина кўз ташлаб қўйдим Бобом тез-тез бош тебратиб кўярдилар. Уларнинг ҳикояларидан таъсирланиб, беихтиёр ўрнимдан турдим-да, ташқарига чиқдим. Соф ҳаводан симириб, осмонда ғуж-ғуж чарақлаган юлдузларга назар ташладим. Ўтмишдаги айрим бахл усталар иши, қилмишидан қанчалик нафратлансам, ҳозирги ёш авлод учун барча ҳунар, ўқув даргоҳлари эшиги ланг очиқлигидан, дориламон замонамиздан шунчалар фахрланардим. Энтикиб-энтикиб нафас ола бошладим. Бу, албатта, шодлигимдан. Узоқларда таралаётган шўх куй эса, завқимга-завқ қўшарди.

Олим МАҲКАМ

Ҳикоя

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

ЧОРШАНБА

28 ИЮЛЬ

МТ I

9.00 «Время».
9.30 Мультфильмлар программаси.
10.10 «Уфқ». Ленинграддан олиб кўрсатилади.
11.10 «Киносаёҳатчилар клуби».
12.10 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Дўстлар экрани». Социалистик мамлакатлар телевидениелари ҳужжатли фильмлари программаси:
«Менинг Ватаним — Пльзень» [ЧССР].
«Ҳаёт кўриқхоналари» [БХР].
«Тиниқ кундек мусаффо» [РСР].
16.00 Совет қўшиқларидан концерт.
16.25 «Рус тили».
16.55 «Ўрмондаги агроцехлар». Ҳужжатли фильм премьераси.
17.45 «Сказ» рус халқ чолғу квартети чалади.
18.00 «Горничилар, қаердасиз!»
18.45 «Фан оламида».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Биз БАМни қуряпмиз».
20.00 «Олам кинокамера кўзгусида». «Фирманинг ишлари билан». Америка разведкасининг фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи фильм. Г. Боровик таништиради. 1-қисм.
21.30 «Время».
22.05 «Катталар учун контроль иш». 2-кўрсатув.
22.40 «Дунё воқеалари».
22.55 «Варадеро». Кубада фольклор куйлари халқаро фестивали.

МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Сенинг аъзолик бадалинг». Ҳужжатли фильм.
19.00 Белоруссия Давлат консерваторияси цимбалчилар ансамбли ижро этади. Минскдан олиб кўрсатилади.
19.30 «Қишлоқ янгиликлари». «Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши».
20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Спорт программаси. Енгил атлетика бўйича СССР чемпионати. Киевдан олиб кўрсатилади.
21.15 Велоспорт бўйича чемпионат. «Крилатское» спорт комплексидан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Полинин билан содир бўлган воқеа». Бадиий фильм.

УзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 «Қўғирчоқбоз». Болалар учун фильм.
12.00 «Мўъжизалар куни» Фильм-концерт [«Узбектелефильм»].
12.25 «Қувноқ пионер ёзи».

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Тўс-тўполон». Мультфильм.
18.20 Болалар учун «Эврика». Кинокўрсатув.
19.00 «Яшлек» татар-бошқирд халқ ансамбли ижро этади.
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 «Шеърият билан учрашув». Қорақалпоғистон шоирлари.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Х. Қодирова концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап!». Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Романтика» телевизион театри. Ў. Ҳошимов «Инсон садоқати 2-қисм.
23.35 Янгиликлар

«ҚИШЛОК ҲАКИКАТИ»
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41*

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретарь — 33-89-93. 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими — 32-56-24, 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Таржима бўлимлари — 32-56-37, 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими —33-84-42.

Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 13410

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босма хонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64543.

А. 1077.